

Хабар

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

27

(1137)
4-iyul

2014

www.xabar.uz

info@xabar.uz

1992-yil martdan chiqqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

Ягонасан,
муқаддас
Ватаним,
севги ва
садоқатим
сенга
бахшида,
гўзал
Ўзбекистоним!



Эзгу мақсадлар янги зафарлар сари етаклайди



Тараққиёт билан бевосита ҳамқадам бўлиш баъзида унинг қанчалик жадаллик билан одимлаётганини ҳис этишга тўсқинлик қилади. Бу худди фарзанднинг улғайишидек гап: ота-онанинг кўз ўнгида ўсиб бораётган боладаги ўзгаришлар гўёки сезилмайди. Уни бир неча йил давомида кўрмаган киши эса улғайишни бир қарашдаёқ пайқайди.

Атрофимиздаги ўзгаришлар ҳам, биз шу жараённинг ичида бўлганимиз сабабли, бизга одатийдек туюлади. Аслида-чи?!

8-9-бетлар

Сўнгги янгиллик!

Google корпорацияси Android амалий тизими базасидаги янги маҳсулот ва ечимларини тақдим этди. Чунончи, арзон смартфонлар учун Android One тайёр платформаси, смартфон ва планшетларга мўлжалланган янги амалий тизимнинг бета-версияси — Android L (5.0), кўчма қурилмалар (кўзойнақлар, соатлар) учун Android Wear, автомобиллар учун Android Auto, фитнес йўналишида Android Fit амалий тизимларини санаб ўтиш жоиз. Ниҳоят, "ақлли" телевизорлар учун Android TV, дарвоқе, Sony, Sharp ва Philips компаниялари 2015 йилги телевизорларини шу платформа асосида ишлаб чиқишларини маълум қилишди.

УШБУ СОНДА:

Янги хизмат турлари

2

Ишончли кўприк

4

Мақсадимиз умумий

10

Ахборот олами йўлбошчиси

11

Теледастурлар, спорт, кроссворд

Jumadan Jumagacha

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йнгирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Қарорда "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш, дастур тузишда тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда "Ким эдигу ким бўлдиқ?" деган ҳаётини ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаб олиш, биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётини омилларини очиб бериш сингари устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб берилди.

● Ўзбекистон Экологик ҳаракати Соғлиқни сақлаш вазирилиги билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиялаштирилган "Сурхондарё вилоятининг экологик номақбул ҳудудларида болалар соғлиғи кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш" лойиҳаси доирасида икки кунлик семинар ташкил этди.

● Пойтахтимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Франция ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда тижорат банклари, мобил алоқа компаниялари, шаҳар йўловчи транспорти ва чакана савдо соҳаси вакиллари, экспертлар ва мутахассислар иштирок этди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Камолитдин Беҳзод мемориал боғ-музейида "Гўзаллик ва олам" деб номланган кўرғазма очилди. "Соғлом бола йили Давлат дастури" ва давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган кўрғазмага ижодий ташкилотлар вакиллари, санъатшунослар, мухаввирлар, санъат ихлосмандлари, талаба ёшлар таклиф этилди.

● "Ўзбектуризм" миллий компанияси томонидан рестороанларда хизмат кўрсатишининг халқаро стандартларини ўрганишга бағишланган семинар-тренинглр ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг навбатдаги Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳайъатни қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов олиб борди.

HAʼAT YIGʻILISHIDA

Янги хизмат турлари

Ҳайъатда "Республика иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида"ги масала юзасидан қўмитанинг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи О.Умаров маъруза қилди. Маърузачининг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 апрелдаги "Иқтисодийнинг реал секторларида ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан уюшмалар, ташкилотлар ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича умумий қиймати 336 миллиард сўмга тенг бўлган 86та йирик лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва йирик саноат ишлаб чиқарувчи корхоналари лойиҳалари бўйича техник топшириқ ва дастлабки техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш бўйича Алоқа қўмитаси, Иқтисодий вазирилиги ва Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тавсияномалари лойиҳа ижрочиларига юборилди.

Ташкилотлар ва дастлабки техник-иқтисодий асосларни тезкор кўриб чиқиш мақсадида идоралараро ишчи гуруҳ тузилган. Айни пайтда Алоқа қўмитасига киритилган техник топшириқ ва дастлабки техник-иқтисодий асослар кўриб чиқилиб, эксперт хулосалари тайёрланмоқда.

Иккинчи масала — "Интернет тармоғидаги миллий сегментини ҳамда ахборот ресурсларини янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида" UZINFOCOM маркази директори И.Жўраев ахборот берди. Маърузада интернет тармоғининг миллий сегменти ҳолати, интернет тармоғи фойдаланувчилари, миллий сегментдаги сайтлар сони бўйича статистика ва таҳлилий маъ-

Жорий йилда 555та кўп қаватли уйда FTTb технологияси бўйича интернетга кенг полосали улануш имконияти яратилди. Бугунги кунда республика бўйича 3178та кўп қаватли уй мазкур фойдаланиш имкониятига эга.

лумотлар келтириб ўтди. Ziyonet таълим портали, интернет тармоғининг миллий сегментдаги бошқа ахборот ресурслари, ижтимоий тармоқлар тўғрисида, шунингдек, қўмитанинг АКТ бошқармаси томонидан "2014-2020 йиллар учун интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш, контент ресурслар ишлаб чиқарувчилари ва таъминотчилари учун қўлай шартроилар яратиш стратегияси" лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берилди.

Навбатдаги масала "Телекоммуникация соҳасида янги хизмат турларини татбиқ этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва истиқболлари тўғрисида" эди. Бу тўғрисида "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Ж.Маҳмудов ахборот берди.

Бугунги кунда республика бўйича "Ягона ойна" тамойили асосида хизмат кўрсатувчи 163та UZTELECOM савдо офиси фаолият кўрсатмоқда. 2014 йил биринчи ярим йиллик якунига кўра, техник хизмат кўрсатиш бўйича ҳисобланган даромад 67,4 миллион сўмни, режанинг бажарилиши 136 фоизни; видеотелефония хизмати бўйича ҳисобланган даромад 91,4 миллион сўмни, режанинг бажарилиши 231 фоизни; IPTV хизмати бўйича ҳисобланган даромад 1611,6 миллион сўмни, режанинг бажарилиши 150 фоизни ташкил этди.


Жорий йил 24 апрел куни "Ўзбектелеком" АК Чақириқларга хизмат кўрсатувчи Ягона марказ (Call Center) лойиҳасини жорий этиш доирасида 13та минтақавий марказнинг очилиш маросими видеооқонференцалоқа сеанси воситасида ўтказилди. Мазкур Чақириқларга хизмат кўрсатувчи ягона марказ лойиҳасининг жорий этилиши 220та янги иш ўрни яратишига ва алоқа соҳаси олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан 170 нафар битирувчини ҳамда бошқа таълим муассасаларидан 50 нафар мутахассисни ишга қабул қилиш имконини берди.

2014 йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича xDSL ва FTTx технологиялари асосида интернет хизмати мижозлари умумий сони 238445тани ташкил этиши кутилмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 137138тани ташкил этган эди. Бунда ўсиш суръати 174 фоизни ташкил қилади.

Маърузада, шунингдек, телекоммуникация соҳасида янги хизмат турларини татбиқ этиш истиқболлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Кўп тартибидаги тўртинчи масала — "Кенг полосали симсиз маълумотлар узатиш тармоқларини Wi-Fi технологияси асосида ривожлантириш тўғрисида" қўмитанинг телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси радиалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўлими бошлиғи С.Усмонов ахбороти тингланди. Ахборотчи республикамизда симсиз кенг полосали тармоқларни ривожлантириш мақсадида "2014-2015 йилларда республикада кенг полосали симсиз маълумотлар узатиш тармоқларини Wi-Fi технологияси асосида ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилганини маълум қилиб, ушбу йўналишда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар хусусида атрафлича сўз юритди.

Ҳайъатда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Мамлакатимизда кенг полосали интернет хизматидан фойдаланувчилар сони

Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган Зомин мустақилликка-ча қандай аҳволда бўлганини биз – зоминликлар яхши биламиз. Бошқа соҳаларни қўя турайликда, биргина алоқа тизимларидаги ғарибликни эслайлик: Зоминдан вилоят ёки республика марказига қўнғироқ қилиш учун соатлаб, баъзан, қўнлаб овора бўлишга тўғри келар эди. Тумандаги қишлоқлар ўртасида эса телефон алоқаси деярли йўқ эди. Бугун-чи?!

Ишончли кўприк

Ахборот хизматининг аҳолига маълумот бериш бўйича Зомин тажрибаси

Бугунги тезкор тараққиёт асри ҳамма соҳаларда олдимизга ҳар томонлама кучли талабларни қўймоқда. Бу ҳаётини зарурат асосан оммага тезкорлик билан ахборот етказишда ҳозиржавоблик, очиқлик ва ошқоралик тамойилларига қатъий риоя қилиш вазифаларини қўяётганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этаётди. Ана шу ҳаётини талаблардан келиб чиқиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг "Маҳаллий бошқарув тизimini қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси доирасида республикамизнинг тоғли ҳудудларидан саналмиш Зомин тумани ҳокимлик бошқарув тизимисидо ҳам ахборот хизматининг йўлга қўйилиши кенг жамоатчилик учун жуда фойдали бўлаётганлиги бизнинг бугунгача олиб бораётган амалий ҳаракатларимизда янада яққолроқ ўз исботини топмоқда.

Кенг қамровли, турли мулкчилик шаклига эга ҳар бир ташкилот, идора ва муассаса, ўзини-ўзи бошқариш органлари билан туман ҳокимлиги ахборот хизмати алоқасини яхши йўлга қўйиш учун жуда катта масъулият билан иш олиб боришга тўғри келмоқда. Шунинг учун ҳам фаолиятимизнинг дастлабки палласиданоқ маҳаллий ҳокимлик ва аҳоли ўртасида ишончли кўприк воситасини ўрнатиш қатъий мақсадимизга айланди. Бу масъул вазифани удаллашимизда, албатта, замонавий компютер техникалари, аудио, видео апаратуралари билан таъминланганлигимиз, интернет тармоғига улашиб, барча зарур маълумотларга эга бўлаётганлигимиз бизга жуда қўл келмоқда.

Лойиҳа томонидан қиймати 11 миң 700 долларлик техника воситалари тақдим этилгани айни муддао бўлди. Ишмизнинг дастлабки кунлариданоқ Зомин туманининг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга қаратилган www.zaamin.uz ҳамда туман ҳокимлигининг расмий ахборотларини тарғиб этишга мўлжалланган www.zaamin.zn.uz сайтини ишга туширдик. Бу веб-сайтлар доимий равишда маълумотлар билан тўлдириб борилаётган.

Фаолиятимиз давомида жамоатчи кўнгилчилар билан ишлаш ҳам йўлга қўйилган бўлиб, иқтидорли ёшлар замонавий техника воситаларида ишлаш, ижод қилиш борасида яқин кўмакчимизга айланган. Биз туман ҳокимлиги ижроия идорасидаги ҳар бир бўлим, гуруҳлар билан доимий алоқани йўлга қўйган ҳолда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича ўз иш журналимизни ҳам юритдик. Шу пайтгача фуқаролар томонидан бизга қилинган 40дан ортиқ ёзма ва

оғзаки мурожаатлар атрофида урганилиб, мутасаддилар иштирокида ижобий ечимини топди. Бу борада туман ҳокимлигига тушаётган турли ариза ва мурожаатлар билан ишловчи гуруҳ билан яқин ҳамкорлик ўрнатганимиз ва уларнинг фаолияти бўйича доимий мониторинг ишларини олиб бораётганмиз. Бундан ташқари, шу пайтга қадар деярли барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари, касб-хунар коллежларида бевосита ахборот хизматини ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳақида учрашувлар, тақдирот талбирлари ўтказиб келятимиз.

Ишмизнинг дастлабки кунлариданоқ Зомин туманининг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга қаратилган www.zaamin.uz ҳамда туман ҳокимлигининг расмий ахборотларини тарғиб этишга мўлжалланган www.zaamin.zn.uz сайтини ишга туширдик.

Туманимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларни, бунёдкорлик ва ободончилик ишларини, қўлга киритилаётган ижобий натижаларни кенг оммага етказишимизда ўз расмий веб-сайтими қўл келяпти. Маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари ходимларининг туман ҳаёти билан батафсил танишиб, тезкор ва сифатли таҳлилий материаллар тайёрлашда веб-сайтими мурожаат қилишга ташкилчилари, хизмат телефонларимиз орқали маълумотларни ўз вақтида олишаётгани



гани ишмизнинг асосий муваффақиятини таъминламоқда.

Туманимиз марказида кенг қўламли бунёдкорлик ишларини жадалликда олиб бориш билан биргаликда, хушманзара табиат бағрида турли сайёҳлик йўналишларини йўлга қўйиш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширила бошланди. Бу ўзгаришларни тезкорлик ва очиқлик, қисқа ва лўнда фактлар асосида фотоматериаллар билан бойитган ҳолда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида чоп этишга ҳаракат қилаётганмиз.

Кўпчиликка яхши маълумки, бугунги кунда Зомин туманида экотуризмни ривожлантиришга жиддий эътибор берилляпти. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларга янада кенгроқ маълумотлар бериш мақсадида маҳоратли журналистлар билан ҳамкорликда бир қатор таҳлилий мақолаларни тайёрлаб, туман, вилоят ва республика миқёсида нашр этилаётган газеталарга тақдим этдик. Тобора чирой очиб бораётган Зомин туманида олиб борилаётган кенг қўламдаги бунёдкорлик ишларини "Шарқ тонги" газетасининг ҳар бир сонидо "Туман ҳокимлиги ахборот хизмати хабар қилади" рўкнида тиниқ ва сифатли фототасвирларда, аниқ ва тезкор тарзда етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу ижобий натижалар "Жиззах ҳақиқати" газетаси саҳифаларида ҳам "Зомин туман ҳокимлиги ахборот хизмати хабар қилади" рўкнида тиниқ ва сифатли фототасвирларда, аниқ ва тезкор тарзда етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу ижобий натижалар "Жиззах ҳақиқати" газетаси саҳифаларида ҳам "Зомин туман ҳокимлиги ахборот хизмати хабар қилади" рўкнида тиниқ ва сифатли фототасвирларда, аниқ ва тезкор тарзда етказиб бериш йўлга қўйилди.

Айни пайтда Зомин туманида 158 миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилляпти. Туман ҳудуди 2,86 миң кв. км. бўлиб ўз таркибига Даштубод шаҳри, Зомин шаҳарчаси, 12та қишлоқ ва 28та мақалла фуқаролар йиғинини бириктирган. 1589та юридик шахс мақомига эга корхона ва ташкилотлар, шундан 202та давлат корхонаси, 1265та нодавлат ташкилот, яъни 840та фермер хўжалиги, 153та савдо ташкилоти, 21та қурилиш ташкилоти мавжуд.

рақамли видеосамералар, диктофонларга эга бўлганлигимиз сабабли иштирокида монтаж апаратураларидан фойдаланган ҳолда энг тезкор хабар ва лавҳаларни бевосита ўзимизда тайёрлаб, Жиззах вилояти телерадиокомпанияси эфирларига бериш имкониятларига ҳам эгамиз. Илгари вилоят телевидениеси ва радиосида Зомин тумани билан боғлиқ эфирга кетган материаллар йил давомида уннга ҳам етмаган бўлса, шу вақтгача 176дан зиёд телелавҳаларимиз "ХАБАРЛАР" ахборот дастурида, 180га яқин ахборотларимиз вилоят радиосининг "ДАВР САДОСИ" ахборот дастурида ёритилди.

Шу пайтгача туман ҳокимлиги фаолияти ҳақида мавжуд қонунчиликка мувофиқ тарзда ахборот бериш, аҳоли билан ҳокимлик ўртасида икки томонлама соғлом алоқани мустақамлашга етарли эътибор қаратилмай келиниши ҳолатларига барҳам берилиб, ҳар чоракда туман раҳбарияти иштирокида матбуот анжуманлари ўтказиб бориш йўлга қўйилди. Натижада оммавий ахборот воситаларида туманимиз миқёсида барча жаҳаларда олиб борилаётган ислохотлар мазмун моҳияти, ютуқ ва муаммолари бор бўй-баста билан очиқ ва ошқора муҳокама қилиниб, жамоатчиликка етказиб келинляпти.



Суратда: Зомин туман ҳокимлиги ахборот хизмати барча замонавий технологиялар билан таъминланган.

Ўрозали БЕРДИБЕКОВ, Зомин туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари

Xalqaro haqot

ТУРКИЯ бош вазири Ражаб Таййиб Эрдоган мамлакат президентлиги учун сайловларда иштирок этади. У амалдаги ҳукумат партияси — Адолат ва тараққиёт партиясидан ўз номзодини қўяди. Шу йилнинг 1 июл куни бўлиб ўтган партия қурултойида партия аъзолари унинг номзодини қўллаб-қувватлашди.

Экспертлар фикрича, Эрдоган президентлик сайловларида асосий номзод бўлиб, миллий ва ҳудудий даражада ўрта синф вакиллари унинг номзодини қўллаб-қувватлайди.

ГОНГКОНГда 1 июл куни ярим-мустақил шаҳарнинг ички ишларига, хусусан, сайлов тизимига Пекиннинг аралашувиغا қарши ўтказилган норозилик намоёнларида 500 мингдан ортиқ киши иштирок этди. Намойишдан сўнг шаҳар молиявий маркази майдонларини тарқ этгани рад этган 511 нафар намоёнчи полиция томонидан ҳибсга олинди.

УКРАИНА президенти Пётр Порошенко мамлакат миллий хавфсизлик ва мудофаа кенгашининг йиғилиши якунлари бўйича шарқий ҳудудлардаги айирмачилар билан тинчлик сулҳи мuddатини узайтирмасликка қарор қилди.

Президент қурол-ярғоғи кўнгилли равишда топширганларни жинойий жавобгарликдан озод қилишга ваъда берди. У айти пайтда тинчлик сулҳи бўйича режаси ҳали ҳам ўз кучида эканлигини қайд этди.

ГАРБИЙ АФРИКАда камда 467 киши Эбола безгаги қурбони бўлди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозиргача ушбу касаллик билан хасталанган жами 759 нафар бемор аниқланган.

Ўтган ҳафта ЖССТ Эбола безгаги фақатгина Гвинея, Либерия ва Серра-Леоне ҳудудида эмас, балки Габон Африканинг бошқа қўшлаб мамлакатларида ҳам тарқалиши мумкинлигидан огоҳлангирган эди.

АҚШдаги General Motors компаниясининг Индиана штати Мэрион шаҳридаги заводида портлаш юз берди. Оқибатда бир киши қурбон бўлган, беш киши эса жароҳатланган.

Портлаш сабаби ҳозирча ноаниқ.

ФРАНЦИЯ суди мамлакат собиқ президенти Никола Саркозига расман айблов қўйди. Терговчилар уни коррупция ва ўз манфаатлари йўлида ваколатидан фойдаланишда айблаётган эди. Собиқ президент коррупция иши бўйича гувоҳлик берган ва тергов ишлари 15 соат давом этган.

НИГЕРИЯ шимоли-шарқидagi Майдагуру шаҳрида содир этилган портлаш натижасида камда 15 киши қурбон бўлган. Теракт шаҳар бозорида амалга оширилган. Хабар беришларича, террорчилар томонидан миња ўрнатилган юк машинаси портлатилган.

Ҳозирда ҳодисанинг барча тафсилотлари ўрганиб чиқилмоқда.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯда қўлга олинган америкалик саяҳатчилар суд олдида жавоб беришади. Улар мамлакат ҳудудида таширф буюриб, КХДРга қарши душманлик руҳидаги ҳаракатларни амалга оширганликда айбланмоқда. Суд айнан қачон бўлиб ўтиши ҳақида маълумот берилмаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон мамлакатларининг электрон ҳукумати ривожлантириш бўйича 2014 йилги рейтингни эълон қилди. "The United Nations E-Government Survey 2014: E-Government for the Future We Want" деб ном берилган мазкур ҳужжат 193 мамлакатдаги миллий давлат тузилмаларининг фуқароларга давлат хизматларини тақдим этишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги ҳозирлиги ва имкониятларини баҳолайди.

Электрон ҳукумат-2014



The United Nations E-Government Survey 2014 (TOP10+)

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1	Жанубий Корея	0.9462
2	Австралия	0.9103
3	Сингапур	0.9076
4	Франция	0.8938
5	Нидерландия	0.8897
6	Япония	0.8874
7	АҚШ	0.8748
8	Буюк Британия	0.8695
9	Янги Зеландия	0.8644
10	Финляндия	0.8449
15	Эстония	0.8180
18	Баҳрайн	0.8089
21	Германия	0.7864
27	Россия	0.7296
30	Швейцария	0.7267
57	Бразилия	0.6008
65	Мўғулистон	0.5581
70	Хитой	0.5450
118	Ҳиндистон	0.3834
193	Сомали	0.0139

АТ-ХАВАРЛАР



■ Тайваннинг Чжунсин университети тадқиқотчилари аутентификациялашда парол ўрнига инсоннинг юрак уриши ритмидан фойдаланишни таклиф этишяпти. Лойиҳада қатнашаётган муҳандис Чун-Лян Линнинг таъкидлашича, ҳар бир инсоннинг юрак уриши ўзига ҳок бўлиб, ўхшаши йўқ, шу боис ундан нафақат парол ўрнида, балки муҳофазаланган маълумотларни шифрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

■ Shareaholic компанияси 2013 йилнинг декабр ва 2014 йилнинг май ойлари оралиғига доир жаҳоннинг етакчи интернет-қидирув тизимлари трафик кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқди. Маълум бўлишича, бевосита қидирув тизимлари хаволаларидан сайтларга кирувчилар сони камайиб бораётти. 2014 йилнинг май ойида жами интернетда ишловчиларнинг 31 фоизи Google орқали бошқа сайтларга киришган бўлса, бу борада рақобатчилар — Yahoo, Bing, Ask ва AOLнинг улуши 1 фоизга ҳам етмайди.

Shareaholic мутахассислари қайд этишича, Google алгоритмларининг доимий ўзгариб бориши маркетингларнинг миқозларни жалб этиш учун бошқа воситалар, масалан, ижтимоий тармоқларга кўпроқ мурожаат қилишларига туртки бўляпти.


Бу йўналишдаги тадқиқот натижаси ҳар икки йилда расман чоп этилиб, унда турли мамлакатларда электрон ҳукуматни ривожлантириш даражаси ҳақидаги маълумотлар жамланган, шунингдек, давлат тузилмалари томонидан АҚТни қўллаш тенденциялари тизимли баҳоланади. Рейтинга киририлган барча мамлакатларни баҳолаш уч асосий йўналишда бўлади: интернет-хизматлар билан қамраб олиш ва сифат даражаси, АҚТ-инфратузилманинг ривожланиш даражаси ҳамда инсон омили. Ўз навбатида, бу уч йўналиш ҳам кичик-кичик шўъбаларга тақсимланади: давлат хизматларининг ахборот хизматлари ва веб-сайтлари ҳамда фуқароларнинг улардан фойдаланиш имкониятлари, интернет-фойдаланувчиларнинг нисбий салмоғи, стационар ва мобил телефондан фойдаланувчилар сони, аҳолининг саводхонлик даражаси, норматив-ҳуқуқий база ва ҳоказолар.

Рейтингнинг юқори поғоналарини, анъанавий равишда, Европа, Осиё ва Шимолий Американинг юксак тараққий этган мамлакатлари банд этишмоқда. Ахборот технологиялари тараққийоти бобида тобора юксак чўққиларни забт этаётган Жанубий Корея бу сафар ҳам рейтинг етакчилиги тожини кийди. "Энг технологик мамлакатлар" ўнлигида корейликлардан ташқари, қитъамиздан Сингапур ва Япония жой олди. Австралия ва Оксания минтақасидан "Яшил қитъа" ва Янги Зеландия, Европадан Франция, Нидерландия, Буюк Британия ва Финляндия, Океанортдан АҚШ шу шарафга сазовор бўлди.



■ Philips ва Salesforce.com компаниялари замонавий тиббиёт ускуналари учун дастурий платформа ишлаб чиқиш борасида ҳамкорлик шартномасини имзолашди.

Янги платформа клиникалар ахборот тизимларидан бемор соғлиғи ҳолати ҳақидаги маълумотларни тўплайди ва сақлайди, бу маълумотлардан махсус илова ва ускуналар воситасида шифокорлар, беморлар, сугурта компаниялари фойдалана олади. Ўз-ўзидан, ахборот алмашиш осонлашади, тиббий хизмат сифати ошади.



Янги веб-сайт


Жамиятимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, хусусан, яқинда қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонуни талаблари ҳамда партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, O'zLiDePнинг янги – uzlider.uz веб-сайти ишга туширилди.

Янги сайт ўзининг бир қатор техник ва ижодий афзалликлари билан аввалгисидан бутунлай фарқ қилади. Содда ва тушунарли тилда берилган корпоратив меню, блоглар, бойитилган фото ва видео галерея сайтга ташриф буюрган фойдаланувчиларга қулай тарзда жойлаштирилган. Аввалги сайтдан фарқли ўлароқ, унда мамлакатимиз, хориж ҳамда партия фаолиятига оид янгиликлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида жойлаштирилди. Жорий йилдаги сайловларга аҳолини кенг жалб этиш ҳамда сайловчиларнинг партия ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлишлари учун сайтда "Сайлов 2014" блоги ташкил этилган. Унга партиянинг дастури, мақсад ва вазифалари, сайловолди дастури (платформаси) киритилган. Шунингдек, фуқароларнинг талбиркорлик фаолиятига оид фикр-мулоҳазаларини билиб бориш мақсадида ижтимоий сўров шаклидаги доимий ўзгариб турувчи сўровнома жойлаштирилган. Шунингдек, янги сайтда "Нуқтаи назар", "Савол ва жавоб", "O'zLiDeP лойиҳаларида фаол иштирок этинг" каби фойдаланувчилар эътиборидан четда қолмайдиган интерактив блоглар доимий равишда янги маълумотлар билан бойитиб борилади.

E-darslik энди Google Playда

Uzinfocom маркази ва Global Solutions компанияси томонидан ишлаб чиқилган дарсликларни электрон шаклда ўқишга мўлжалланган E-darslik мобил дастури энди Google Playда ҳам кўчириб олиш мумкин бўлди.

Эслатиб ўтамиз, мобил дастурда дарсликлар кутубхонаси (бугунги кунда 40дан ортиқ дарсликлар) mavjud бўлиб, фойдаланувчи уларни ўзининг "китоб жавони"га, яъни қурилманинг "Менинг китобларим" бўлимига юклаб олиши мумкин. Дарсликларни қидириш учун дарсликнинг қайси тилда, қайси фан ва синфга тегишли эканлигини танлаш имкониятини берувчи махсус филтрдан фойдаланилади. Керакли дарсликлар танланганидан сўнг, улар телефон ёки планшетга юклаб олинади ва дарсликлардан интернет тармоғига уланмасдан туриб фойдаланиш мумкин.



Интерфаол хизматлар

Бугунги кунда ахборот технологиялари бarcha соҳаларда изчил татбиқ этилиб, айниқса, давлат идоралари ва ташкилотлари фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Бу борада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида ҳам ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, аҳолига интерфаол хизматлар кўрсатиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, вазирликнинг ахборот-компьютер маркази мутахассислари томонидан "BestDoc", "Newjob", "Protez", "Marbo", "Бандлик", "Фуқароларнинг чет элга чиқиш-келиш назоратини юритиш" каби ахборот тизимлари жорий қилинган бўлиб, ушбу автоматлаштирилган электрон дастурлардан самарали фойдаланилмоқда. Натижалда тизим фаолиятининг очиқлиги таъминланиб, фуқароларни манзилли, ижтимоий қўллаб-қувватлашда, энг муҳими, самарадорликка эришишда кенг имкониятлар ҳамда қулайликлар яратилмоқда.



ИМКОНИЯТЛАРИ

Жорий йилда Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида Японияда ишлаб чиқарилган рақамли узатгич технологияси ўзлаштирилгач, мазкур ҳудудий телевидениенинг ижодий ва техник имкониятлари янада ошди.

Аввало, телематериаллар техник сифати яхшиланди. Шунингдек, кўрсатувларни узатиш масофаси ҳам сезиларли даражада кенгайди. Айни чоғда ушбу янгилик тележурналистларга эфир вақтини янада кўпайтириш имкониятини яратиб берди.

— Мазкур рақамли узатгич аппарати, — дейди вилоят телерадиокомпанияси бош муҳандиси Исмоил Сулаймонов, — тасвирларни замонавий "AVI" форматда эфирга чиқаради. Муҳими, ушбу технология туфайли кўрсатувларни тўғридан-тўғри эфирга узатиш учун қулай шароитга эга бўлди.

Айни дамда мазкур замонавий технологияни вилоят радиоси эшиштиришларини эфирга узатишда қўллаш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

UYG'ONISH

Африка: ЦУКЕРБЕРГДАН МАХСУС ИНТЕРНЕТ

Цивилизация томон доимий интилиш ва тараққиётга қарамай, Африкадак ўлкан қитъанинг аксарият ҳудудлари қолоқлигича қолмоқда. Континентнинг sanoқли давлатлари ривожланиш йўлига чиқиб олган бир даврда кўпда ҳамон қашшоқлик ҳукмрон.

Аҳоли яшashi учун тузукроқ шароит бўлмаган Африканинг кўп қисми мамлакатларида бутунжаҳон глобал тармоғи бўлиши ҳақида гап ҳам ўринсиз аслида. Бугунги юқори технологиялар замонида африкаликларнинг аксарияти интернетга улана олмайд.

Мазкур муаммо кўп қисмида компаниялар назарида, улар орасида машҳур Facebook ҳам бор. Шу боис ушбу компания раҳбари Марк Цукерберг Африканинг барча камбағал мамлакатларида интернет хизматини жорий этишга бел боғлади. Бу лойиҳани компания махсус қурилма — учувчисиз бошқариладиган базавий учар станциялар орқали амалга оширишни мақсад қилган.

Учувчисиз станция устида анчадан буён иш олиб бори-

ляпти. Бу каби дронлар орбита бўйлаб бир неча йил (беш йилгача) ерга қўнмасдан учушга мўлжалланган. Бу қурилма таъминоти учун унинг бортига қуёш батареялари ўрнатилади. Қуёшдан қувват олган станция аккумуляторлари кеча-кундуз давомида узлуксиз ишлаб туради.

Solara-50, Solara-60 сингари ушбу учувчи станциялар моделлари тез орада ҳаётга татбиқ этилади. Улар 20 километр атрофидаги баландликда учиб юришга ва Африканинг исталган жойида интернетни тарқатиш, об-ҳавони кузатиш, Ер кўринишини тасвирга олиш сингари турли вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

Шунингдек, интернетни оммалаштириш доирасида Facebook компанияси ўз ҳисобидан 4000га яқин ноутбукни Африканинг энг қолоқ қишлоқларига тарқатишни режалаштирган.

Цукербергнинг сўзларига кўра, буларнинг барчаси Африкани юқори технологик турмуш тарзига тезроқ мослаштириш, минтақа мамлакатлари раҳбарлари диққатини ижтимоий, маънавий ва иқтисодий муаммоларга кўпроқ қаратиш, африкаликлар таълими ва ақл-идроқига ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Facebook компанияси лойиҳани амалга ошириш мақсадида Америка компаниялари билан мазкур станцияларни сотиб олиш борасида фаол музокара олиб бормоқда.



АФГОНИСТОНда

илк интернет-провайдер 2003 йилнинг охирида Қобулда пайдо бўлган. Шу орқали шаҳарнинг бир неча почта бўлимларида тармоққа уланиш нуқталари ташкил этилди. Бугун Қобулда кўп қисми интернет-кафе-лар фаолият бошлаган. Уларга бир соат уланиш нархи — 1-2 доллар атрофида.



Саҳифани У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Продолжаются работы


по развитию автоматизированной системы приема платежей

В первой половине 2014 года в ОАО "Узбекистон почтаси" продолжались работы по реализации проекта "Расширение сети автоматизированных информационных систем путем компьютеризации отделений почтовой связи".

Так, 500 комплектов, централизованно приобретенной Обществом компьютерной техники были поэтапно направлены в филиалы и установлены в отделения почтовой связи.

Для сотрудников отделений почтовой связи в филиалах Общества были организованы курсы компьютерной грамотности и учебно-практические занятия по работе в автоматизированной системе приема платежей.

Рост количества объектов почтовой связи подключенных к АСПП в 2011-2014 годах показан на диаграмме:



На сегодняшний день количество объектов почтовой связи (ОПС), подключенных к автоматизированной системе приема платежей (АСПП) достигло 1480, до конца года будет доведено до 1708 (в 2013 году было 1159). Данная система позволяет операторам ОПС в режиме онлайн обмениваться информацией по принятым платежам с базой данных ГАК "Узбекэнерго".

Также, в целях обеспечения надежности в условиях постоянного роста количества пользователей АСПП, ведутся работы по дополнительной закупке серверов и серверного оборудования для АСПП.

В территориальных филиалах Общества продолжают работы по подключению компьютеризированных ОПС к АСПП с обеспечением их каналами передачи данных необходимого качества и обучением персонала работе в АСПП.

Страховая компания "ALSKOM"

запустила электронный магазин по продаже страховых полисов

Пользователи системы мобильного банкинга CLICK получили возможность оформления полиса обязательного страхования гражданской ответственности владельцев транспортных средств в компании ALSKOM.

На сайте ALSKOM открыт онлайн-магазин по оформлению страховых полисов, посетители которого могут заполнить анкету и заплатить за услугу со счета своей пластиковой карты через CLICK.

Страховой полис доставляется бесплатно курьером. Услуга пока доступна только для жителей Ташкента.

В будущем компания планирует сделать доступным и другие виды страхования, с доставкой полисов по другим регионам Узбекистана.

Кроник спасает Интернет

На портале Ziyonet появилась новая игра от компании CronForge – "Приключенье Кроника". Сюжет интригующий – пропал Интернет и игроку с помощью Кроника надо собрать фрагменты модема.

Игра чем-то напоминает Mario – надо бежать, прыгать над опасными монстрами и собирать детали.

Игра для всех возрастов, начиная от самых маленьких. Играть можно без авторизации, но лучше авторизовавшись – тогда в участвуете в общем рейтинге игроков.

Общее количество игр на портале достигло 410, причем, 379 из них – это игры по изучению английского языка, предоставленные Британским советом в Узбекистане.



Global Solutions

запустила приложение для предпринимателей

В приложении собрана вся информация, необходимая для ведения бизнеса: регистрация собственного дела, налогообложение, информация о банках столицы, дату проверок и многое другое.

Приложение привязано к ресурсу www.biznesinfo.uz, что помогает избежать проблем в обновлении и предоставляет только актуальную информацию. Так как "Бизнес Инфо" является информационным справочником, приложение не требует регистрации и не запрашивает личных данных пользователя.

SMS-Gateway —

новый вид, новые сервисы,
новые возможности



Центр UZINFOCOM сообщает о запуске обновленного сервиса.

SMS-Gateway, позволяющего реализовывать различные услуги при помощи SMS сообщений.

Главным преимуществом обновленного сервиса стало внедрение Персонального кабинета пользователя, включающего в себя весь набор необходимой информации: ежедневная и ежемесячная статистика по трафику и автоматический расчет оплаты за текущий месяц с указанием текущего тарифа. Сайт сервиса www.smsg.uz, также был изменен – он стал более информативным и понятным.

Напомним, что все потенциальные клиенты, заинтересованные в использовании SMS-Gateway, могут получить бесплатно 100 SMS-сообщений до заключения договора. Это позволит протестировать, отладить и проверить собственные сервисы на работоспособность.

На сегодняшний день SMS-Gateway уже является удобным решением для ряда крупнейших интернет сервисов Узнета. Например:

- Отслеживание статуса обращения на едином портале интерактивных государственных услуг My.gov.uz;
- SMS-подтверждение регистрации на крупнейшей торговой площадке Torg.uz и портале Торгово-промышленной палаты eSavdo;
- SMS-уведомления о новых письмах почтового сервиса uMail.uz;
- SMS-уведомления владельцам доменных имен в зоне UZ об окончании срока действия домена;
- SMS-подтверждение регистрации в Единой системе идентификации ID.UZ;
- предоставление актуальной информации о тарифах на коммунальные услуги Портала жилищно-коммунального хозяйства E-kommunal.uz;
- SMS-уведомления об окончании срока использования услуг хостинга Датацентра UZINFOCOM.

SMS-Gateway может быть полезен в различных отраслях и организациях. При помощи данного сервиса можно решить следующие задачи:

- SMS-уведомления (о регистрации на сайте, о новой заявке при организации системы приема жалоб);
- SMS-оповещения сотрудников компании или ее клиентов (о новых акциях, услугах и т.д.);
- SMS-оповещения клиентов магазинов о расширении ассортимента товаров и услуг, введении скидок, действии специальных предложений, статусе заказа, розыгрышах и лотереях, и многие другие.

SMS-платформа и сайт будут совершенствоваться и развиваться дальше, предлагая новые возможности и делая работу с SMS-Gateway простой и надежной!

Также, совсем скоро, на базе SMS-платформы будет запущен новый, уникальный сервис, который наверняка вас заинтересует.

Зумрад ШАДЖАЛИЛОВА,
PR менеджер,
Ресурсный Центр сети Ziyonet
Центр развития и внедрения компьютерных
и информационных технологий UZINFOCOM

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ижроси тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Жараён

Ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган комплекс ва тизimli чораларни талаб қилувчи соҳалардан бири соғлиқни сақлаш тизими бўлиб, мазкур тизимда ахборотлаштириш соҳасига оид қонунчилик нормалари, хусусан, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижросини тўлиқ таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг 20дан ортиқ субъектлари фаолиятини ўрганишнинг якуний натижалари мониторингидан келиб чиқиб, эшитишда қўмита аъзолари томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳисобига тиббий хизмат сифати ва ундан фойдаланиш даражаси ошганлиги таъкидланди. Вазирлик, унинг таркибий бўлимлари ҳамда тизимдаги тегишли ташкилот ва муассасалар томонидан ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўриб борилаётгани эътироф этилди.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинган. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Миллий ахборот тизимига интеграциялаш концепцияси" ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Уларга асосан, "Электрон соғлиқни сақлаш" ва "Ягона электрон тиббий карта" тизимларини бошқичма-бошқич шакллантириш амалга оширилмоқда.

Эшитишда қайд этилдики, ҳозирги вақтда вазирликда "Соғлиқни сақлаш миллий интеграциялашган ахборот тизими" яратилган бўлиб, унинг доирасида бошқичма-бошқич бир қатор тизимлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юқумли касалликлар электрон мониторингининг ахборот тизими, қон ва донорликдан четлатилган шахсларнинг маълумотлар банки бўйича ахборот тизими, тез ва шошилиш тиббий ёрдам ахборот тизими, шу жумладан, шошилиш тез тиббий ёрдам тизимида мувофиқлаштирувчи диспетчерлик хизматини автоматлаштириш ва жиҳозлаш, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларини (ERP) тиббий ускуналар, дори воситалари ва тиббий буюмларни етказиб бериш логистика тизими билан бошқариш ахборот тизими, электрон регистратура тизими билан Ягона тиббий картани бошқариш бўйича ахборот тизими ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳар йили вазирликнинг ўқув муассасалари базасида режага асосан компютер саводхонлиги ҳамда вазирлик ихтисослаштирилган ахборот ти-

зимларида ишлаш бўйича малака ошириш курслари иш олиб бормоқда.

Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантиришга қаратилган чоралар натижасида республикадаги барча тиббий ходимларнинг 50 фоизи офис дастурий таъминотлари билан ишлаш бўйича етарли малакани олган бўлиб, уларнинг 90 фоизини врач-шифокорлар, 30 фоизини ўрта тиббий ходимлар ташкил этади. Умуман, охириги беш йил мобайнида Uzmedinfo марказида 2066 нафар тиббий ходим ўқиб, сертификатта эга бўлган.

Шу билан бирга, вазирлик томонидан

"Соғлом бола йили Давлат дастури"да белгиланган ахборот соҳасига тегишли бандларда белгиланган вазифалар ҳам фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, лейкоз ва талассемияга чалинган болаларнинг республика регистрини ташкил этиш, уларни минтақавий болалар гематология муассасаларида диспансер ҳисобига олишни таъминлаб, Гематология илмий-тадқиқот институтига ахборот бериш, даволашнинг доимий мониторингини олиб бориш ва юқори технологик усуллари самарадорлигини илмий таҳлил қилиш масалаларида бир қатор иш-

лар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, "Саломатлик дарслари" фандан ўқув дастури (1-4-синф ўқувчилари учун) ва "Соғлом авлод асослари" (5-9-синф ўқувчилари учун) мультимедиа методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва электрон таълим порталларига, энг аввало, ZiyuNETга joyлаштириш; Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13та "Ораста қизлар" ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш орқали маҳалларда "Ораста қизлар" тўғрақлари иштирокчиларининг ижтимоий фаоллигини янада қўллаб-қувватлаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Эшитишда қайд этилганидек, тиббиёт соҳасини ахборотлаштириш жараёнларида эришилган ижобий натижалар билан бирга, айрим камчилик ва муаммолар ҳам, мавжуд. Мисол учун, туман тиббиёт бирлашмаларини компютер техникаси билан таъминлаш даражаси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, тиббиёт соҳаси субъектлари фаолиятига электрон тижорат ва электрон тўловлар тизимларининг жорий этилмаганлиги, интерактив телетиббий хизматлар кўрсатиш тизимлари ривожланмаганлиги каби ҳолатлар бор.

Эшитиш якунида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Интерактив хизматлар: самарадорликка эришиб

Бухоро вилоятида ҳам аҳоли ҳамда тadbirkorлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив хизматлар сифатини ошириш ва уларни интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали тақдим этиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бир қатор устувор вазифалар изчил бажарилляпти.

Ҳозирги пайтда вилоятда интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали 13та ана шундай хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган ва бу борада муайян натижаларга эришилмоқда. Ўтган 2013 йилда "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича Бухоро вилоятида ўтказилган ҳуқуқий эксперимент доирасида 56та давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг интернет тармоғида расмий веб-сайтлари ҳамда 32та субъектларнинг юқори ташкилотлари веб-сайтлари алоҳида саҳифалар тарзида яратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, вилоят ҳокимлигининг www.buxoro.uz расмий веб-сайти орқали 34та (12та базавий ва 22та қўшимча) интерактив давлат хизматлари кўрсатилишининг йўлга қўйилганлиги, веб-сайт имкониятлари, унда берилётган маълумотлар, ёритилаётган мавзулар, янгилик ва эълонлар ҳамда кўрсатилаётган интерактив хизматларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида маҳаллий телеканаллар орқали роликлар тайёрланиб, эфирга узатиб келинаётганлиги ҳам самара беряпти.


Вилоят миқёсида ўтган 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб ишга туширилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали вилоят ҳокимлиги томонидан 13та интерактив давлат хизматлари кўрсатилишининг йўлга қўйилганлиги, жумладан, бугунги кунда мазкур портал орқали фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва мурожаатга жавоб қайтариш имкониятлари яратилган бўлиб, вилоят шаҳар ва туман ҳокимликларига аҳоли ва тadbirkorлик субъектларидан шу кунгача жами 129та электрон мурожаат келиб тушган. Барча мурожаатлар атрофлича кўриб чиқилган ва эгаларига тегишли жавоблар берилган.

Шунингдек, вилоят ҳокимлиги раҳбарлари қабулга ёзилиш жараёнини янада соддалаштириш мақсадида ягона интерактив давлат хизмати портали орқали аҳолига "Давлат органлари раҳбарлари қабулига ёзилиш" интерактив давлат хизмати кўрсатилаётганлиги ҳам ўз амалий натижасини бериб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тadbirkorлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда тadbirkorлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатига олиш учун онлайн тарзда аризаларни қабул қилишни йўлга қўйиш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги Тadbirkorлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари томонидан ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олтига ана шундай хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Вилоятда интерактив хизматлардан фойдаланиш янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттириляпти.

Асқар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири.



Манхеттен (Ню-Йорк)да, 33 Thomas Street манзилида баландлиги 167,5 метр келадиган, биронта ҳам деразаси йўқ осмонўпар бино бор. Бино автомат телефон станцияси вазифасини бажаради, унинг учдан икки қисмида AT&T, яна бир қисмида Verizon оператори ускуналари жойлашган.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

◀ 1-бет

Мамлакатимиз барқарор суръатлар билан ўсиб, халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётгани ва ўзига муносиб ўринни эгаллаётганини янада чуқурроқ англаб етишимиз учун ўзимизга, бугунги кунимизга ва ўтмишимизга назар ташлаш кифоя. Компютер, мобил телефондан фойдаланган дастлабки кунларни эсласанг? Уша вақтлар биз учун мўъжизадек кўринган бу қурилмалар дунёнинг ривожланган мамлакатларида одатий воситаларга айланиб бўлганди. Биз жараён-дан анчагина ортда эдик. Бугун-чи?!

Бугун дунёнинг бир бурчагида тақдироти ўтказилаётган энг сўнгги қурилма сал ўтмай қўлимизда пайдо бўляпти. Кеча, дейлик, Samsung Galaxy S4 смартфонни ишлатиб юрганлар, бугун имконияти янада кенгроқ Samsung Galaxy S5дан фойдаланяпти. Бундай юксалишлар ортда улкан ислохотлар, миллионлаб фидойи инсонларнинг меҳнати ётибди.

Келинг, бундан роппа-роса бир йил аввал ишга туширилган Ягона интерактив давлат хизматлари портали мисолида фикримизни давом эттирсак. Бир йил катта давр эмас, аммо шу муддат ичида *my.gov.uz* манзилда жойлашган портал имкониятларидан ўн минглаб кишилар фойдаланди. Айнан шу портал воситасида узоқ вақтдан бери счимини топмаётган муаммолар ҳал этилмоқда, давлат органлари томонидан тақдим этилаётган хизматлардан фойдаланиш даражаси ошмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларни мустақкамлашда ягона порталнинг ўрни тобора ошиб борапти.

Бир йил ичида...

Бугунги дунёнинг ривожланган мамлакатлари ўз тараққиёт йўлини "Электрон ҳукумат" тизими билан боғлаётгани бежиз эмас. Бу тизимнинг моҳияти инсон ақл-идрокининг, кашфиётларининг, давлат ислохотларининг бош мақсади — аҳоли турмуши ва фаровонлигини ошириш учун эканлигини тўлиқ намоён этади. Ўзбекистон ҳам "Электрон ҳукумат" тизимини жадаллик билан жорий этаётган мамлакатлар қаторига қўшилган. Бу йўналишда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишларнинг қўлами жуда кенг. Бунинг бир қисмини "Электрон ҳукумат" тизимининг бўғини ҳисобланган Ягона портал мисолида кўриш мумкин.

Ўтган бир йил давомида Ягона порталда кенг қўламли, йирик лойиҳалар амалга оширилди. Хуёусан:

— Ягона порталга 500дан зиёд давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимиятлар, жумладан, шаҳар ва туман ҳокимликлари уланди;

Эзгу мақсадлар янги



- давлат органлари раҳбарлари қабулига онлайн ёзилиш, давлат органларида мавжуд бўш иш ўринлари учун маълумотномаларни юбориш, биометрик паспортни олиш юзасидан онлайн аризани юбориш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда баъзи бир рухсат бериш жараёнларини онлайн амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, аҳоли ва давлат органлари учун бошқа қатор қулайликлар яратилди;

- ягона порталдан фойдаланиш бўйича давлат органлари масъулари учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, қўлланмалар ишлаб чиқилди;

- аҳоли муурожаатларини олиш, қайта ишлашнинг марказлашган тизими жорий қилиниб, унинг ёрдамида аҳоли муурожаатларига нисбатан давлат органларининг муносабатини — муддатини, сифатини назорат қилиш, мониторингини юргизиш мумкин бўлди;

- давлат органлари масъул ходимларининг Ягона порталда ишлаш бўйича кўникмасини оширишга қаратилган ўқувлар йўлга қўйилди.

ТАҚҚОСЛАШ УЧУН: Портал ишга туширилган вақтда хизматлар сони 40та эди. Бугунга келиб, аҳоли турмуш тарзининг турли жабҳаларини қамраб олувчи 200 хилдаги хизматлар жорий қилинди.

Ўтган давр ичида аҳоли томонидан давлат органларига Ягона портал орқали 20 мингта муурожаат юборилди. Улардан 85 фоизига ваколатли давлат идоралари томонидан жавоб йўлланган. Муурожаатларнинг

қолган қисми кўриб чиқиш жараёнида. Мазкур муурожаатларнинг 61,3 фоизини аризалар, 8,8 фоизини таклифлар, 28,6 фоизини шикоятлар ташкил қилади.

Портал фаолиятининг дастлабки йилдаёқ фуқароларимизни ўйлантириб келаётган 20 мингта яқин масала ўз счимини топгани эътиборга молик натижа. Бу счимлар орасида нафақат шахсий, балки минглаб кишиларга фойдаси тегадиган умуммасалалар ҳал этилганлигини ҳисобга олсак, моҳият янада ойдинлашади.

Энг оммабоп хизматлар

Ягона портал мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра, қуйидаги хизматлар энг оммабоп, кўп фойдаланилаётган хизматларга киради:


- муурожаат йўллаш;
- ссудланганлик ёки судланмаганлик ҳолати тўғрисида маълумот олиш;
- меҳнат стажи тўғрисидаги архив маълумотномасини олиш;
- юридик шахсни ташкил қилмасдан тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун онлайн ариза юбориш;
- Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида жорий қилинган синов-лоиҳа — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун биометрик паспорт олишда онлайн ариза юбориш.

Шунингдек, Ягона порталда тадбиркорлик соҳаси ривожига хизмат қилувчи, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи хизматларни жорий қилишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Ягона порталда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатта олиш хизмати

1

2

3



Мамлакатимизда CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони

сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

зафарлар сари етаклайди



жорий қилинган бўлиб, бугун хоҳловчилар тадбиркорлик субъекти сифатида рухсат бериш жараёнларини онлайн амалга оширишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқлари бузилган, тўсиқларга дуч келган, ишларига асоссиз равишда аралашини юз берган ҳолатда Ягона портал орқали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, адлия органларига мурожаат қилишлари мумкин.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Ягона порталга асосан мурожаатлар юбориладиган восита сифатида қарамаслик керак. Портал келажакда "Электрон ҳукумат" тизимидаги барча жараёнларни ўзида жамлайди. Яъни, у орқали давлат хизматлари интерактив кўринишида тақдим этилади. Бу эса ортиқча оворатарчилик ва сарф-харajatларнинг олдини олиб, кўрсатилаётган хизматлар шаффофлигини оширади.

Порталдан фойдаланиш учун компьютер ва интернетга эга бўлиш шарт эмас

Аҳолининг интернетдан фойдаланмайдиган қисми ҳам Ягона портал орқали ариза, таклиф ва шикоятларини давлат органларига юбора оладилар. Бунинг учун "Call-center" — Маълумотлар хизмати (8-800-200-18-18) йўлга қўйилган. Мазкур қулайликни янада соддалаштириш мақсадида, яқинда ушбу телефон рақамлари қисқа — "1060" рақамида ишга туширилди. Бу рақам орқали хизмат кўрсатиш бепул, кўнги-роқ нархлари абонентнинг шаҳар телефонларига чиқиш тарифи нархларида белгиланган.

РАҚАМЛАРДА: "Call-center" орқали бир йил мобайнида 7630та қўнги-роқ қабул қилинган бўлиб, давлат органларига 1240дан зиёд аҳоли мурожаатлари юборилди.

Янги ташаббуслар керак

Ягона давлат интерактив хизматлари портали эндигина дастлабки қадамларни ташламоқда. Имкониятлар ҳали олдинда. Давлат органлари хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун янги ташаббуслар керак. Қувонарлиси, аҳоли ва давлат идоралари

4

шундай ташаббуслар билан чиқмоқда. Мисол учун, "Ўзархив" агентлиги ташаббуси билан "Архив маълумотларини онлайн тақдим қилиш", Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан "Судланганлик ёки судланмаганлик тўғрисидаги маълумотни онлайн тақдим этиш" оммабоп хизматлари жорий қилинган. Бундай имконият барчада бор. Аҳолидан Ягона порталда янги хизматларни ташкил этиш борасида қанчалик кўп таклифлар билдирилса, унинг қулайлик ва фойдалилик функцияси шунчалик кенгайиб бораверади.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ҳам Ягона порталнинг қулайликларидан фойдаланаётган аҳоли вакиллари бир-бирларига давлат органлари фаолиятига дахлдор турли масалаларни ҳал қилишда порталдан фойдаланишни маслаҳат беришмоқда. Чунки порталнинг ишга туширилиши давлат органларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, хизмат кўрсатиш муносабати самарадорлиги янада ошишига хизмат қилляпти.

Шахсий тажриба

"Алоқабанк" томонидан берилган пластик карта қўлфланиб қолди. Уни очиб учун банкнинг бош офисига шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан мурожаат қилдим. Аммо шанба кuni офисда мижозларга хизмат кўрсатилмас экан.

Бугунги кунда пластик карта — кундалик турмушдаги ўта муҳим моддий восита. Карточканинг қўлфланиб қолиши ёки йўқотилиши каби ҳолатлар ҳар кимда учраши мумкин. Одатда шанба-якшанба кунлари харидларни амалга ошириш зарурати юзага келади. Балки, кимгадир тезда дори-дармон сотиб олиш ёки сафарга чипталар харид қилиш керак бўлар? Ниҳоятда зарур чоғда пластик картани ишлаша олмаслик, ҳар қандай мизожни қийин аҳволга солиб қўяди. Бу эса, ўз навбатида, хизмат кўрсатадиган банкнинг обрўси ва шаънига ҳам салбий фикрларни юзага келтиради.

Шу воқеа сабаб, Ягона портал орқали "Алоқабанк"ка мурожаат қилдим. Банк мутахассислари мурожаатга дарҳол жавоб қайтаришди ва бош офисда шанба кунлари ҳам мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганлигини маълум қилишди. Портал туфайли кўпчилик дуч келиши мумкин бўлган бир муаммо бартараф этилди.

Ягона портал орқали мурожаат йўллаётган фуқаролар бир жиҳатга эътибор қаратишля-

5

ри лозим: керакли ташкилотдан олган жавоб сизни қониқтиргани ёки қониқтирмаганини баҳолаш йўли билан, албатта, билдириш! Порталдан юборилаётган ҳар бир мурожаат ёки ариза назоратга олинади. Унга берилаётган жавоблар фойдаланувчиларнинг баҳоларига қараб ҳам таҳлил этилади. Бу таҳлиллар давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳар бир мурожаатга жиддий ёндашишига туртки беради.

Режалар

Истиқболда Ягона портални янада ривожлантиришга оид бир қатор режалар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида мувофиқ, жорий йилда Ягона порталда қатор янги хизматларни жорий қилиш кўзда тутилган.

Тадбиркорнинг шахсий кабинети яратилади. Бу орқали тадбиркорлар молиявий, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни шакллантириш ва юбориш, турли тўловларни интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш, маълумотномаларни олиш ва бошқа интерактив хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўладилар.

Шунингдек, iOS амалий тизими учун порталнинг мобил иловасини ишлаб чиқиш; пенсия ажратмалари тўғрисида маълумотнома олиш; чет элга вақтинчалик чиқиш учун рухсат берувчи стикерни расмийлаштириш; UzCARD пластик карталари ёрдамида рўйхатдан ўтказиш имконияти ва бошқа бир қатор янги хизматларни ташкил этиш режалаштирилган.

Сўнги сўз...

Халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаолиги тобора кучайиб бораётганини ушбу портал ўзига хос кўзгу сифатида бизга намоён этмоқда. "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишда бу йил ва келгусида бизни катта ўзгаришлар кутяпти. Бу борада Корея Республикасида 40 йил давомида қилинган ишни бизда 2020 йилгача амалга оширишдек улкан мақсад қўйилган. Эзгу мақсад бизни янги зафарлар сари етаклайди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

6

Очиқ эшиклар куни

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.

Тадбирда ТАТУ Самарқанд филиали директори ўринбосари Қосим Бекмуродов, "Табийий фанлар" кафедраси мудири, тадбир масъула котиби Маммадйор Яхшибоев ҳамда иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Тўрақул Нормуродов сўзга чиқиб, филиалдаги ўқитиш усуллари, яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар ҳақида тўхталишди.

компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежаларидан ташриф буюрган битирувчи ўқувчилар ТАТУ Самарқанд филиалининг "Компьютер инжиниринг", "АТ-сервис", "Дастурий инжиниринг", "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими", "Телекоммуникация технологиялари бакалавриат таълими" каби йўналишлари тўғрисидаги саволларига керакли жавобларни олдилар.

Самарқанд компьютер технологиялари ва гидромелиорация, Иштихон компьютер технологиялари ва хизмат кўрсатиш, Самарқанд ахборот технологиялари, Пайшанба компьютер технологиялари ва Жомбой

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилояти мухбири

Мақсадимиз умумий

Республикада давлат бошқаруви ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳаётига АКТни кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Бу борада республикада қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари катта аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-қарори билан тасдиқланган Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомининг қабул қилиниши Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фаолиятига замонавий АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга доир масалаларга масъуллик ҳиссини оширишга, тақдим этиладиган ахборотларнинг сифати ва ишончилигини мунтазам ўрганишни таъминлашга, шу орқали ахборот технологияларидан аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини оширишда кенг фойдаланишга қаратилганлигини эътироф этиш жоиз.

Низомда белгилаб берилган вазифалар доирасида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятида АКТнинг жорий этилиши ва ривожлантирилиши ҳолати юзасидан ўтказиладиган ўрганишларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда тизимли назоратини олиб боришни янада такомиллаштириш бўйича ташкилий ишлар йўлга қўйилиб, мақсадли йўналишлар, жумладан:

- давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида АКТни самарали жорий этиш ва ривожлантиришнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ва бунга тўққинлик қилувчи омилларни аниқлаш;

- ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш самарадорлигини баҳолаш учун тақдим этиладиган ахборотларнинг сифати ва ишончилигини мунтазам ўрганишни таъминлаш;

- ахборот-коммуникация технологияларини давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишларнинг сифатли ўтказилишини ҳамда уларнинг натижаларини ҳолисона баҳолаш;

- NIS.UZ тизимига давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг сифати ва ишончилигини аниқлаш;

- давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда АКТни жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

- амалга оширилаётган лойиҳалар ва кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида АКТни жорий этиш ва ривожлантиришнинг давом эттиришнинг устувор йўналишлари бўйича тақлифлар тайёрлаш ва шу каби ишлар белгилаб олинди.

Ушбу қарор асосида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида ўрганишларни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартибига мувофиқ, ўрганишлар Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси тасдиқланган жадвал асосида инспекция томонидан белгиланган тартибда амалга оши-

рилади. Ўз ўрнида ўрганишларни ўтказиш режа жадвалини ишлаб чиқиш ва шакллантиришга қуйида санаб ўтилган омиллар асос бўла олади:

- АКТни давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида жорий этиш ва ривожлантириш самарадорлигини NIS.UZ тизими орқали ҳар чоракда ўтказиладиган баҳолаш натижалари;

- Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш маркази ва Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази тақлифлари;

- илгари ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаларининг давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажаралиши мониторинги натижалари;

- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судларнинг, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таъаблари ва тақлифлари.

Ўтказиладиган ўрганишларга мутахассислар ва экспертлар жалб этилади. Бунда нафақат соҳа ташкилотларидан, балки бошқа соҳа ташкилотларидан ҳам мутахассислар ва экспертлар жалб этилиши кўзда тутилган. Масалан, бирор-бир тижорат банкнинг АКТ фаолиятини ўрганиш учун Марказий банк ёки бошқа банкларнинг АКТ бўйича мутахассислари жалб этиб борилади. Давлат органлари икки ҳафта муддатда Кўмита билан келишилган ҳолда, ўрганишлар якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этишга ҳамда АКТни жорий этиш ва янада ривожлантиришга доир тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлайдилар ҳамда келгусида улар-

нинг бажарилиши мониторингини юритиш учун инспекцияга тақдим этилади. Бунда, давлат органлари тадбирлар режаларида назорат тутилган муддатларда инспекцияга уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиб борадилар.

Сир эмаски, ҳозирги кунда айрим давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан фаолиятларига АКТнинг жорий этилганлик ҳолатлари бўйича NIS.UZ тизимига тақдим этилаётган маълумотларда камчиликларга ва ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Шу сабабдан, ўрганишни ўтказиш даврида NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборотларнинг ишонсизлиги аниқланган тақдирда, инспекциянинг мансабдор шахслари томонидан АКТни жорий этиш ва ривожлантириш жорий ҳолатининг NIS.UZ тизимига тақдим этилган ахборотга номувофиқлиги тўғрисида далолатнома тузилиб, давлат органларига тақдим этилади. Улар далолатномани олган вақтдан бошлаб NIS.UZ тизимидаги номувофиқлик бартараф этилиши ҳамда бу ҳақда Кўмитани хабардор қилиши шарт бўлади.

Шу ўринда, келгусида ўтказилиши режалаштирилаётган ўрганишлар АКТни жорий этиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшади деган умиддамиз ва бу борада мақсадимиз умумий эканлигини чуқур англаган ҳолда ишларни давом эттириш лозим деб ҳисоблаймиз.

У.ГАНИЕВ,
инспекциянинг Давлат ахборот тизимлари, ресурслари ва интерактив давлат хизматлари бўлими етакчи муҳандиси

Аттестация: кимга аъло, кимга...

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг телекоммуникация технологиялари ва касб таълим факултети битирувчилари якуний Давлат аттестация комиссиясидан ўттишди.

Битирув-малакавий ишлари мавзулари долзарблиги ва амалий аҳамиятини таъминлашда, ишларнинг битирувчилар томонидан мустақил бажарилишида, расмийлаштириш қоидаларига тўлиқ амал қилинишида, айниқса, кўчирмачиликка йўл қўймасликни назорат қилишда илмий раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш ҳамда соҳа корхоналари томонидан раҳбарлар диплом иши мавзуларини замонавий технологиялар асосида танлашлари таъминланди.

Битирув-малакавий ишлари ҳимояси давомида битирувчилар шу мутахассислик бўйича юқори билимга эга эканлиги ҳамда фан ва техника ютуқлари янгиликларидан хабардор эканликларини комиссия олдида намойиш қилдилар.



Битирувчилардан Фаёзжон Саломовнинг "Телекоммуникация тармоқларида хавфсизликни таъминлаш масаласининг DPI асосида ечимлари", Холида Жуманованинг "Анализ системы контроля целостности кабельных линий связи", Шерали Сафаровнинг "Рақамли телевиденида автоматик ўлчов тизимини схематехникавий таҳлил қилиш" каби мавзулардаги ҳимоялари йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди. Фуломжон Мухторовнинг "Ўзбекистон Республикаси ер усти йўлдошли телекоммуникация тизимлари тадқиқоти", Жаҳонгир Гафуровнинг "Хизмат кўрсатиш

сифатини баҳолаш билан корпоратив тармоқларни тадқиқ қилиш" каби мавзулардаги инглиз тилидаги ҳимояси алоҳида эътиборга лойиқ бўлди.

Битирув-малакавий ишлар профессор ўқитувчилар ва тақризчилари асосан Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, Самарқанд Давлат университети, "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали, Самарқанд вилояти техник радионазорат станцияси, Радиотелевизион узатиш маркази Самарқанд филиали, "ЎЗИ" қўшма корхонаси ҳамда "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 4-боғламаси вакилларида иборат бўлди.

Факултет 51 битирувчисининг 17та ҳимояси аъло баҳога, 28 битирувчиники яхши ва олтитаси қониқарли баҳога лойиқ деб топилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги муҳбири

Ахборот технологиялари ривожланиб боргани сари, ахборотни сақлаш ва уни узатиш тезлиги ҳам мисли қўрилмаган шиддат билан ортиб, ахборот манбалари сони дақиқа сайин ошиб бормоқда. Бундай шароитда ахборот мутахассислари, шу жумладан, кутубхоначиларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ортиб боради. Улар ахборотга тўла оламда гўда, яъни йўлбошловчи бўлиб хизмат қиладилар.



Ахборот олами йўлбошчиси

Кутубхоначилар ахборотни қандай излаб-топишни ва қандай тартибда турли ресурслар — китоб, журнал каби босма нашрлардан тортиб, веб-сайтлар ва маълумот базалари каби электрон манбалардан ўқиб-ўрганадилар, шу йўналиш бўйича университетларда таҳсил оладилар. Билим иқтисодиётининг ҳар бир соҳаси учун ўта муҳим ва бундай шарт-шароит кутубхоначилар учун ўз йўналишларини ва иш муҳитини танлаш ҳамда касб малакаларини ривожлантиришда кенг имкониятлар очади.

Кутубхоначилар ўз фаолиятлари давомида энг сўнгги ахборот технологияларидан хабардор бўлиб боришади. Улар веб-сайтлар учун мақолалар ёзишади, блоглар юритишади, виртуал муҳитларда ҳам ўз ўринларига эга. Ахборот технологияларининг ривожини кузатиб, унинг имкониятларини ўз иш жойларида тез ва самарали қўллай билиб, фойдаланувчиларнинг талабларига ҳозиржавобдирлар. Бу касбни танлаган кишилар фойдаланувчилар билан ишлашда юқори даражадаги кўникмаларга эга бўлишлари шарт. Хушмуомалалик кутубхона оstonасига биринчи қадам қўйган 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган кишиларда бу даргоҳга кўпроқ келиб туриш истагини уйғотиши тайин. Агарда ходимларда муомала маданияти қониқарли бўлмаса, бу ташриф буюрувчилар сонига, муассасанинг жамиятдаги мавқеига салбий таъсир кўрсати-

XXI аср кутубхоначиси қандай бўлиши керак?

ши ва оқибатда келиб тушаётган молиявий маблағларнинг камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Одатда кутубхоначиларни кўпгина фан ва маданият соҳаларидан хабардор инсонлар сифатида биламиз ва ҳурмат қиламиз. "Илмлар ҳазинаси"га турли саволлар билан қадим ранжида қилувчи фойдаланувчилар талабини қондиришга кутубхоначилар тайёр туришлари лозим. Бу хислат кутубхоначилар учун жуда муҳим. Фойдаланувчи қайси соҳадан савол бермасин, кутубхоначи шу ахборотни қардан излаш тўғрисида маслаҳат бера олиши лозим. Бунинг учун сўралган йўналиш бўйича базавий билимга эга бўлиш, шу бўйича қандай журналлар чоп этилади, кутубхонада шу мавзуда қандай китоблар сақланади, каталогнинг қайси бўлинимасидан уларни излаш ва қандай веб-сайтларни текширишни айтиш керак бўлади.

Шундай ресурслар ва ахборотлар борки, уларни излаб-топиш ҳар доим ҳам осон эмас. Google каби қидирув тизимлари, масалан, интернетдаги бутун ахборотнинг фақатгина 25 фоизини қамраб олади. Бир неча ўн минглаб нашрлар сақланадиган ҳар қандай кутубхонанинг жамғармаларини қидиришда ҳам айрим қийинчиликлар мавжуд. Шундай экан,

ноумид фойдаланувчига ёрдам бериш ҳар бир кутубхоначининг кўлидан келиши лозим. Ҳозирги техник ривожланиш босқичида жуда кўплаб қидирув тизимлари

борки, улардан керакли материалларни излаб-топишда тажрибали мутахассиснинг ёрда-

ми жуда зарур.

Кутубхоначиларнинг ҳар доим ҳам фойдаланувчиларнинг ёнида туриб китоб ва мақолаларни топишда ёрдамлашишга вақтлари етмайди. Одатда кутубхона мижозлари кўп, аммо у ерда ходимлар сони чекланган бўлади. Шу сабабдан, ахборот саводхонлиги курслари ёки индивидуал машғуллар ўтказилади. Бундан мақсад — фойдаланувчиларга турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда ўзларига керакли материалларни мустақил излаб-топишга ўргатиш. Албатта, бунда керакли усулларни фойдаланувчига тушунарли ва аниқ қилиб етказиб бериш муҳим.

Мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳасида бўлаётган ўзгаришлар тенденцияси ахборот технологиялари ривожига чамбарчас боғлиқ ва хориқ тақрибасини ўрганиш бу ўринда жуда муҳим ҳисобланади. Юқоридагилар кутубхоначи профилида умумий чизгилар бўлиб, умумжаҳон миқёсида шу соҳада бўлаётган ўзгаришлар асосида тузилган.

Ж.ЯДГАРОВА,
Навоий номдаги Сирдарё вилоят АКМ ахборот ва кутубхоначилик ҳужжатларини сақлаш бўлими мудир

Тараққиёт кушандаси

Яқинда Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази ахборот-библиография бўлими Навоий вилоят ИИБ, нарколегия диспансери, 34051-ҳарбий қисм, "Турон" маҳалласи, 4-поликлиника билан ҳамкорликда 26 июн — Гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб "Тараққиёт кушандаси" мавзусида ахборот кунини ўтказди.

Вилоят нарколегия диспансери шифокор-нарколеги Мирали Соатов гиёҳвандликнинг инсон ҳаёти учун қанчалик зарарли оқибатлар олиб келиши ҳақида гапирди. Сунгра "Қалтис қадам" мавзусида видеоролик намойиш этилди. Навоий вилоят ИИБ ходими Ф.Норқулов, 34051-ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Ж.Қаландаров, адвокат А.Аб-

дуллаев, 4-поликлиника шифокорлари Ҳ.Эшмуродова ва Н.Ўтаевалар ҳам сўзга чиқишди.

Тадбирда ташкил этилган "Гиёҳвандлик — давр офати" мавзусидаги китоб кўргазмаси ва "Ҳаёт кушандаси, аср вабоси" мавзусидаги картотека ҳақида ахборот-библиография бўлими мудир М.Сафарова ҳамда "Соғлом турмуш тарзи" мавзусида услубий библиографик қўлланма, "Гиёҳвандлик — давр офати" мавзусида китобхонага эсдалик тўғрисида кутубхоначи Р.Шукоровалар қисқача маълумот беришди. Ушбу қўлланмалар иштирокчиларга тарқатилди.

М.ИМОМОВА,
АКМ бўлим мудир

BIR VILOYATDAN
IKKI XABAR

Эътибор нашидаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини Андижон вилоятида кенг нишонланди. Оммавий ахборот воситаларида самарали меҳнат қилиб келаётган соҳа вакиллари Заҳрирдин Муҳаммад Бобур номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида жам бўлдилар.

Андижон вилояти ҳокими Шўратбек Абдураҳмонов йиғилганларни касб байрами билан қизгин табриқлаб, бир гуруҳ соҳа ходимларига ҳокимликнинг фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғаларини топширди. "Бундай эътибор бизни янги-



янги марралар сари ундайди", — дейди тақдирланганлардан бири — "Андижон матбуот тарқатувчи" жамияти сараловчиси Расулжон Каримоҳунов.

ОАВ ходимлари беллашдилар

Андижон вилояти журналистлар ижодий уюшмаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан соҳа ходимлари ўртасида мини-футбол турнирини ташкил қилди.

Мусобақада голиблик учун беш жамоа — "Андижон матбуот тарқатувчи", "Андижон", "Водий салоси", "Тараққиёт" телевидениелари ҳамда вилоятда фаолият юритувчи турли босма нашрларнинг журналист ва ходимларидан ташкил топган "Бирлашган газеталар" жамоалари куч синашдилар.



Кескин курашларга бой баҳслар якунига кўра, биринчи ва иккинчи ўринларни "Водий салоси" ҳамда "Андижон матбуот тарқатувчи" жамияти жамоалари қўлга киритдилар. Соҳа иштирокчилар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Элмурод ЭРМАТОВ,
"Андижон матбуот тарқатувчи" жамияти Олтинқўл тумани бўлими иш юритувчиси

Тошкент шахрининг Юнусовбад туманида истиқомат қилувчи муҳандис Нигматилла ака ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ҳабиба оналар хонадонидан иккинчи фарзанд дунёга келганида, ота-она қувончи дунёларга сиғмай кетди тўғи. Қизчага ноёб ва қимматли, ҳамма учун керакли инсон бўлиб яшасин, деган ният билан Ёқутхон деб исм беришди. Қош-қўзлари популдек, зукколиги қўзларида акс этиб турувчи Ёқутхон ҳамма яхши қўрар. Қизчаининг келажакда бошқача инсон бўлиши ҳақида гапирарди.

Ёқутхон мактабда ҳам теран ақли билан бошқалардан ажралиб турди. У гарча отасининг таъсири сабаб, қиз бола бўлишига қарамай, техникага қизиқса-да, онасининг талабчанлиги сабаб, ўзбек тили ва адабиёти фанидан ҳам аълога ўқиди. Ўзбек тилининг тартиб-қоидаларини пухта ўзлаштирди. Кўплаб бадиий адабиётлар ўқиб, олган билимларини янада мустаҳкамлади. Бу ҳаракатлари эса вақти келиб катта самара берди.

— Ўрта мактабни 1980 йили битириб, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга кирдим, — дейди Ёқутхон. — Ўқишим кечкида бўлганлиги сабаб, кундузи институтнинг "Кўп каналли электралоқа тармоғи" кафедраси лабораториясида лаборант бўлиб ишлаш бошладим. Ўқишимни битирганимда мен яхшигина тажрибага эга мутахассис бўлиб қолган эдим. 1992 йили Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари илмий маркази (ҳозирги "Unicon.uz" ДУК) очилгач, устозим Рихсивой Исаевнинг таклифи билан ўша марказга ишга ўтдим.

Ёқутхон институтда ўқиб юрган пайтидаёқ ёзув-чизув ишлари унга топширилди, шогирдидаги қобилиятни англай билган устознинг мақ-

сади ҳам марказни ташкил этиш ишларини ҳужжатлаштириш, юқори ташкилотларга хат ва ҳисоботларнинг бехато ёзилишида унинг саводидан фойдаланиш эди. Шу тариқа Ёқут Аҳмедова марказда икки йил мобайнида ходимлар бўлимини бошқарди, сўнгра Атамашунослик, луғатлар хизматига етакчи мутахассис вазифасига ўтказилди. Ўн йилдан бери эса у мазкур хизматдаги ўта эътибор талаб ва масъул ишларга бошчилик қилмоқда. Отамерос техникага қизиқиш ва онасидан ўтган ўзбек тили тартиб-қоидаларини батафсил билиш хислатлари уйғунлашиб, у соҳанинг ноёб мутахассисига айланди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўлланиладиган атамаларни давлат тилида жорий қилиш, соҳанинг устувор йўналишлари бўйича давлат тилидаги атама ва луғатларни тайёрлаш, соҳада ишлатиладиган атамаларнинг илмий асосланган ҳолда давлат тилида

жорий қилинишини таъминлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, соҳа бўйича атама ва луғатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича хулосалар бериш, соҳага оид атамаларни тартибга солиш, ўзбек тилига ўғриш, норматив ҳужжатларни ҳамда ТАТУда ишлаб чиқарилаётган ўқув қўлланмалари ва дарсликларни

Отамерос техникага қизиқиш ва онасидан ўтган ўзбек тили тартиб-қоидаларини батафсил билиш хислатлари уйғунлашиб, у соҳанинг ноёб мутахассисига айланди.



атамашунослик экспертизасидан ўтказиш каби бир қатор муҳим вазифаларни бениқсон адо этишда Атамашунослик, луғатлар хизмати бошлиғи ўринбосари Шухрат Тулганов, етакчи муҳандис Муҳтарам Ҳожиёва ҳамда 1-тоифали муҳандис Шаҳноза Адашева, 2-тоифали муҳандис Камола Юсуповалар Ёқутхон Аҳмедова атрофида жипслашиб, жонбозлик билан меҳнат қилишяпти. Улар Ёқутхонни нафақат бошлиқ, балки устоз сифатида ҳам ҳурмат қилишади.

Ёқут Аҳмедованинг соҳадаги кўп йиллик фаолияти муносиб баҳоланган. У Республикаимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги олдида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланган.

Ёқутхоннинг кўпчилик ҳавас қиладиган яна бир жиҳати аҳил оиласи, ақли ва тарбияли фарзандларидир. Унинг турмушу ўртоғи Раҳимжон Аҳмедов "ТШТТ" филиалида диспетчер бўлиб ишлаётган бўлса, ўғли Дилшоджон "Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази" филиалида бош мутахассис вазифасида фаолият юритяпти. Алоқачилар оиласининг кенжа фарзанди Музаффар ҳам оила аъналарини давом эттирмоқчи — ТАТУнинг 4-босқичида таҳсил оляпти. Келинлари Барнохон тиббий ҳамшира.

Кексалар ёшларни дуо қилишганида, "Илоё, бахтинг тўқис бўлсин!" дея тилак билдиришади. Нигматилла ака ҳамда Ҳабиба оналар ҳам бу тилакни кўп бора такрорлашган. Ёқутхоннинг тўқис бахти ота-онасининг дуолари ижобати бўлса, не ажаб!

Муборак МИРКАМОЛОВА

Эл хизматида қирқ бир йил

Съёдулло акани нафақат пенсионерлар, балки Хўжа Ҳасан қишлоқ фуқаролар йиғинидаги каттаю-кичик ўзгача ҳурмат билан тилга олади. Мақалладаги бирор тадбир ёки тўй Съёдулло акасиз ўтмайди. Бунинг боиси бор, албатта. Элга очик чеҳра билан хизмат кўрсатаётган машаққатли соҳа ходимларидан бири — Қизилтепа туман почта алоқаси тармоғи Хўжа Ҳасан алоқа бўлими хабарчиси Съёдулло Норов мақалладошлари, ҳамқишлоқларига чин юракдан хизмат қилади.

У қирқ бир йилдан буён эл хизматида. Ўз меҳнат фаолиятини 1973 йили Қизилтепа туманидаги Тошрабат колхозни радиоузелида радиотехник мутахассис сифатида бошлаган С.Норов ҳарбий хизматдан кейин бир неча йил радиотехниклик касбини давом эттирди. 1986 йилдан буён Қизилтепа туман почта алоқаси тармоғи Хўжа Ҳасан алоқа бўлими хат ташувчиси сифатида ҳалол меҳнат қилмоқда.

У ўзи хизмат қилаётган алоқа бўлими худудидида Оқрабод ва Бободўғи маҳаллаларининг 3576 нафар аҳолисига, 526та хонадон, битта мактаб, 2та мактабгача тарбия муассасаси, 1та қишлоқ-врачлик пункти, 15дан ортиқ фермер ва деҳқон хўжалиқларига намунали почта алоқаси хизматларини кўрсатиб келмоқда. 510 нафар пенсионернинг дуосини олиш Съёдулло

аканинг биринчи галдаги вазифаси. Ҳар куни 18-20 километрлик масофани босиб, ўз мижозларига сидқидилдан хизмат кўрсатаётган фидойи касб эгаси режаларни 106 фоизга бажариб, ҳамкасбларига ҳамisha ўрнатиб келмоқда.

Одамларнинг оғирини енгил қилиш, улар билан ҳамфикр бўлиш қаҳрамонимиз учун ўзига хос мактаб, ўзига хос ютуқлар калити. Шунинг учун ҳам бу ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик туфайли даврий нашрларга обунани ташкил этишда ҳам, почта товарлари ва матбуот нашрларининг чакана савдосида ҳам, аҳолидан электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, телефон хизматлари учун тўловларда ҳам бошқаларга ибрат бўла оладиган натижалар қўлга киритилган.

Шу боисдан ҳам, ўтган 2011-2013 йилларда фақат электр энергиясидан 110 миллион сўмлик, табиий газдан 50 миллион сўмлик, телефон хизматидан 1,8 миллион сўмлик тўловлар йиғилди.

Ўз касбининг устаси, умрини ана шу соҳага бағишлаган бу камтарин инсон почта алоқаси оламининг фидойиси, жонқури. У ўзи хизмат кўрсатаётган худуддаги аҳолини почта алоқаси хизматларидаги янгиликлардан ташқари, юрти-мизда бўлаётган улкан ўзгаришлардан ҳам хабардор қилишни бурчи деб билади.

Съёдулло Норов нафақат малакали ва тажрибали ходим, балки почта хизматининг барча йўналишларини яхши ўзлаштирган, ёшларга ўрнатиб, мураббийлик қилаётган, ўз тажрибасини тармоқнинг ёш ходимларига кунг билан ўргатиб келаётган соҳа мутахассиси. Устозидан сабоқ олган ўнлаб шогирдларнинг бугун Қизилтепадаги почта алоқа бўлимида самарали меҳнат қилаётганлиги оддий, аммо шарафли касб эгасига берилган баҳодир.

Бахтли оила соҳиби фарзандлар камолини кўриб, элда қадр топганлигига ҳам ҳавас қилишади. Зеро, қаҳрамонимиз бугун умри давомида ҳалол ва ёруғ юз билан яшаб, меҳнат қилмоқда. Инсон учун энг катта саодат шу эмасми?

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири

ДУШАНБА — 7 ИЮЛ

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Кушлар ҳаёти". Х/ф. 7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".

19.00 "Рамазон туҳфаси". 19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар. 19.30 "Аҳборот" /рус/.

12.50 "Телетуҳфа". 13.00 "Давр". 13.10 "Камтарин кулингиз". Б/ф. 13.40 "13-студия".

7.00 "Пойтахт". 7.20 "Ғазал гулшани". 7.30 Тошкент тароналари. 7.45 "Интеллектуал аукцион".

20.25 "Пойтахт йўлларида". 20.45 "Мисли гаваҳар". 21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллапооялари".

14.15 "Sport ensiklopediya". 14.20 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.

ДУШАНБА — 8 ИЮЛ

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Кушлар ҳаёти". Х/ф. 7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".

19.00 "Рамазон туҳфаси". 19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар. 19.30 "Аҳборот" /рус/.

9.00 "Этизақлар". Т/с. 9.50 "UzEX". 10.00 "Давр".

5.00 "Салом, Тошкент!". 6.10 "Эз ифори". Т/с. 28-қисм. 7.00 "Пойтахт".

18.55 Миллий сериал: "Она дарё". 19.25 Тошкент тароналари. 19.40 "Теле-маркет".

13.00 АНОНС. 13.05 "Футбол шарҳи". 13.50 "Техно -спорт".

ДУШАНБА — 9 ИЮЛ

5.55 Курсатувлар дастури. 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" 7.00 "Кушлар ҳаёти". Х/ф. 7.30 Миллий сериал: "Фидойилар".

20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар". 21.00 "Аҳборот". 21.40 "Юрган - дарё".

7.20 "Ғазал гулшани". 7.30 Тошкент тароналари. 7.45 "Интеллектуал аукцион".

20.00 "Poytakht news". 20.20 "Бунёдкор". 20.45 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.

6.00 "Хайрли тонг!". 6.05 Курсатувлар тартиби. 6.10 "Эстафета".

14.00 ХАБАРЛАР. 14.15 "Sport ensiklopediya". 14.20 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.

ЯКШАНБА — 13 ИЮЛ

СПОРТ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Табассум".
7.20 "Панда изидан". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Енгоқ новдаси". М/ф.
9.00 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
9.15 "Иқлим".
9.20 Болалар учун фильм. "Азизим Френки".
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Дилнаво".
13.30 Ҳинд киноси: "Мен сизни севардим". Премьера.
16.20 "Жаҳон мусиқаси хазинасида".
17.05 "Иқлим".
17.10 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
17.25 "Салоқат". Б/ф.
18.55 "Рамазон шукуҳи".
19.00 "Рамазон тухфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳдиднома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Таҳдиднома".
21.40 "Заковат".
22.40 "Шўрланак".
23.10 "Пианиночи ҳақида афсона". Б/ф. 2-қисм.
00.10-00.25 "Кунларнинг бирида".
00.25 Кўрсатувлар дастури.
00.30 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
00.45 "Самарқанд нонлари".
1.00 "Таҳдиднома" /рус/.
1.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
2.15 "Шарқ тароналари".
2.30 "Рамазон шукуҳи".
2.35 "Рамазон тухфаси".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Таҳдиднома".
4.40 "Заковат".
5.40-5.55 "Кунларнинг бирида".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Изабелла". Т/с. 11-15-қисмлар.
9.10 "Табассум қил!".
9.20 "Мафтунокор наволар".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 "Қалпоқ". Ҳажвия.
11.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун ўйини (такрор).
12.50 "Кулгу". Ҳажвия.
13.10 "Сиздан угина, биздан бугина". Б/ф.
14.40 "Қаҳқаҳа". Ҳажвия.
15.10 "Мультипанорама".
16.20 "Юрт келажиги".
16.30 "Ажина тоғ". Б/ф.
18.10 "Тараннум".
18.50 "Истиклол солимаси".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Ош бўлсин!".
20.00 "Имкон-шоу".
20.50 "Токи ҳаёт эканман". Б/ф.
23.30 "Оҳанглар сеҳри".
23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал (жонли эфир).
1.50 "Унутилмас оҳанглар".
2.30 "Навой". В/ф.
3.30 "Миллий мерос".
3.50 "Ойгон". Б/ф.
5.10 "Соғлом оила - соғлом бола".
5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".

СПОРТ

5.00 "Салом, Тошкент!"
6.10 "Метичара-ленгиз жонивори". Б/ф.
7.30 Тошкент тароналари.

7.45 "Спортчининг бир кунин".
8.00 "Салом, Тошкент!"
9.00 "Жаҳон чемпионати-2014".
9.05 "Дилбандим" тележурнали.
9.35 "Ro'yakht news".
9.55 "Эртақлар олами".
10.05 "Бахт кўргони".
10.30 Ҳинд киноси: "Вақт".
13.00 "Салом, Тошкент!"
14.00 "Бунёдкор".
14.25 "Бетховен саргузаштлари". Б/ф.
16.05 "Менинг маҳаллам".
16.25 "Сехрланган бола". М/ф.
17.10 "Миттивойлар оиласи".
17.30 Болалар учун фильм: "Катта бўлишни хоҳламайман".
18.45 "Антика мантқ".
19.25 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.55 "Уйларим".
20.00 "Қалр ортда".
20.15 "Менинг шахрим".
20.35 "Ўзбегим рақслари".
20.50 "Бугун ва эрта". Ток-шоу.
21.20 "Тошкент кўчалари".
21.30 "Теле-маркет".
21.45 "Все о туризме".
22.15 "Воздушный маршал".
Х/ф. /Премьера/.
23.55 "Эко-пойтахт". /Рус тилида/.
00.05 "Невидимый". Х/ф.
1.45 "Вулканы". Д/ф.
2.35 "Уйларим".
2.40 "Таянч нуқтаси".
3.10 "Фан ва тараққиёт".
3.30-5.00 "Иван Васильевич касбини узгартирди". Б/ф.

СПОРТ

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.
6.30 От спорти. Халқаро турнир.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 "Sport Test".
8.15 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. 3-ЎРИН УЧУН.
10.00 АНОНС.
10.05 "Маҳорат мактаби".
10.25 "Техно-спорт".
10.35 Велоспорт. Тур де Франс.
12.15 "Sport rekordlar".
12.20 "Кувнок стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 АНОНС.
13.20 "Куч бирликда".
13.50 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.
14.10 Теннис. АТР/ВТА турнири.
15.35 "Sport ensiklopediya".
15.40 "Эстафета".
16.00 АНОНС.
16.05 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. 3-ЎРИН УЧУН.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орзулар кемаси".
18.30 ХАБАРЛАР.
19.00 Академик эшак эшиши. Жаҳон кубоги.
19.50 "Спортимиз маликалари".
20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".
20.35 Автомотоспорт.
21.25 "Sport rekordlari".
21.30 ХАБАРЛАР.
22.00 АНОНС.
22.05 Байдарка ва каноэда эшак эшиши. Европа чемпионати.
23.05 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ.
23.50 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. ФИНАЛ. ТУРРИДАН - ТУРРИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
2.30 АНОНС.
2.35 Волейбол. Жаҳон лигаси.
4.15 АНОНС.
4.25-5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

Ёш жаҳон чемпионларига Президентимиз совғаси топширилди


Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпионлари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.



Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди.

Жаҳон чемпионати ғолиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов топширди.

"Локомотив" ва "Бунёдкор" Ўзбекистон кубоги финалида



Пойтахтнинг икки жамоаси — "Локомотив" ва "Бунёдкор" Ўзбекистон кубоги финалида куч синашадиган бўлди.

Ярим финалда "Пахтакор" жамоаси билан рақобатлашган "Локомотив" ўз майдонида ўтган дастлабки ўйинда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. "Пахтакор" марказий стадионида ташкил этилган жавоб учрашувида 2:2 ҳисобидаги дуранг

натижа қайд этилди ва "темирўлчи"лар Ўзбекистон кубогининг финалига йўлланма олди.

Қаршида "Насаф" ва "Бунёдкор" жамоалари ўртасидаги баҳсда ҳам пойтахтлик чарм тўп усталари 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, мамлакат кубоги учун курашни давом эттирадиган бўлди. Жамоалар ўртасидаги дастлабки баҳсда "Бунёдкор" 1:0 ҳисобида зафар кўчган эди.

ЖЧ-2014. Омад кучлиларга кулиб боқадими?

Бразилияда бўлиб ўтаётган мундиалнинг Бнимчорак финал ўйинларида ўз гуруҳларини биринчи ўрин билан якунлаган жамоалар ғолиб бўлди. Аксинча, гуруҳ баҳсларидан 2-ўрин билан плей-оффга чиққан жамоалар дастлабки тўқнашувдаёқ мусобақа билан хайрлашдилар.

Бир қарашда бу нимчорак финал қадрини пасайтирадиган факт. Аммо ўйинларнинг бориши бу фактни иккинчи планга тушириб қўяди. Гарчи якунда фаворитлар ғалаба қозонган бўлса-да, бу ғалабалар осон қўлга киритилгани йўқ. Бразилия, Голландия, Германия, Аргентина — барчаси сўнгги дақиқалардагина ғалабани ўз томонларига оғдиришди. Бу фаворит жамоаларнинг исталган бири курашни шу босқичда тугатиши ҳеч гап эмасди. Аммо омад уларга кулиб боқди.

ЖЧ-2014. 1/8 финал

БРАЗИЛИЯ — ЧИЛИ 1:1 (пеналтилар серияси — 3:2)
Голлар: Давид Луис (18), Санчес, (32).

КОЛУМБИЯ — УРУГВАЙ 2:0

Голлар: Хамес Родригез (28, 50).



ГОЛЛАНДИЯ — МЕКСИКА 2:1

Голлар: Снейдер 88, Ян Хунтеллар 90+4 — Дос Сантос 47

КОСТА-РИКА — ГРЕЦИЯ 1:1 (пеналтилар серияси — 5:3)

Голлар: Руиз (52), Папастатопулос (90).

ФРАНЦИЯ — НИГЕРИЯ 2:0

Голлар: Пол Погба (79), Йобо (90+1 автогол)

GERMANY — JAZOIR 2:1

Голлар: Шюрлле (92), Ўзил (119), Жабу (120).

ARGENTINA — SHVEYTSARIYA 1:0

Гол: Ди Мария 118

BELGIYA — AQSH 2:1

Голлар: Де Бруйне (93), Лукаку (105), Грин (107)

ЧОРАК ФИНАЛ

04.07.2014 21:00 Франция — : — Германия

05.07.2014 01:00 Бразилия — : — Колумбия

05.07.2014 21:00 Аргентина — : — Бельгия

06.07.2014 01:00 Голландия — : — Коста-Рика

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси филиал техник ёрдам кўрсатиш ва эксплуатация хизмати бошлиғи Одил Бобомуродовга волидан муҳтарамаси

Ҳадича ая САФАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси Ромитон туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Эркин Ризоёвга падари бузруквори

Таги бобо РИЗОЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

ЯКШАНБА — 13 ИЮЛ

ОУЎРАҚЛАР

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Табассум".
- 7.20 "Панда изидан". Б/ф. 2-қисм.
- 8.00 "Ахборот".
- 8.40 "Енғоқ новдаси". М/ф.
- 9.00 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 9.15 "Иқлим".
- 9.20 Болалар учун фильм. "Азизим Френки".
- 11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
- 11.45 "Кулларнинг бирида".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 13.00 "Дилнаво".
- 13.30 Ҳинд киноси: "Мен сизни севардим". Премьера.
- 16.20 "Жаҳон мусиқаси хазинасидан".
- 17.05 "Иқлим".
- 17.10 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 17.25 "Садоқат". Б/ф.
- 18.55 "Рамазон шукуҳи".
- 19.00 "Рамазон тухфаси".
- 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
- 19.30 "Таҳдилнома" /рус/.
- 20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
- 21.00 "Таҳдилнома".
- 21.40 "Заковат".
- 22.40 "Шўрданақ".
- 23.10 "Пианиночи ҳақида афсона". Б/ф. 2-қисм.
- 00.10-00.25 "Кулларнинг бирида".
- 00.25 Кўрсатувлар дастури.
- 00.30 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 00.45 "Самарқанд нонлари".
- 1.00 "Таҳдилнома" /рус/.
- 1.30 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
- 2.15 "Шарқ тароналари".
- 2.30 "Рамазон шукуҳи".
- 2.35 "Рамазон тухфаси".
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Таҳдилнома".
- 4.40 "Заковат".
- 5.40 - 5.55 "Кулларнинг бирида".

- 7.45 "Спортчининг бир куни".
- 8.00 "Салом, Тошкент!"
- 9.00 "Жаҳон чемпиони-2014".
- 9.05 "Дилбандим" тележурнали.
- 9.35 "Roytakht news".
- 9.55 "Эртақлар олами".
- 10.05 "Бахт кўргони".
- 10.30 Ҳинд киноси: "Вақт".
- 13.00 "Салом, Тошкент!"
- 14.00 "Бунёдкор".
- 14.25 "Бетховен саргузаштлари". Б/ф.
- 16.05 "Менинг маҳаллам".
- 16.25 "Сехрланган бола". М/ф.
- 17.10 "Миттивойлар оиласи".
- 17.30 Болалар учун фильм: "Катта бўлишни хоҳламайман".
- 18.45 "Антика мангич".
- 19.25 Тошкент тароналари.
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.55 "Ўйларим".
- 20.00 "Калр ортида".
- 20.15 "Менинг шахрим".
- 20.35 "Ўзбегим рақслари".
- 20.50 "Бугун ва эрта". Ток-шоу.
- 21.20 "Тошкент кўчалари".
- 21.30 "Теле-маркет".
- 21.45 "Все о туризме".
- 22.15 "Воздушный маршал".
- Х/ф. /Премьера/.
- 23.55 "Эко-пойтахт". /Рус тилида/.
- 00.05 "Невидимый". Х/ф.
- 1.45 "Вулканы". Д/ф.
- 2.35 "Ўйларим".
- 2.40 "Таёич нуқтаси".
- 3.10 "Фан ва тараққиёт".
- 3.30-5.00 "Иван Васильевич касбини ўзгартиради". Б/ф.

СВЕТЛАР

- 6.00 "Хайрли тонг!"
- 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.10 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.
- 6.30 От спорти. Халқаро турнир.
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 "Sport Test".
- 8.15 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. 3-ЎРИН УЧУН.
- 10.00 АНОНС.
- 10.05 "Маҳорат мактаби".
- 10.25 "Техно-спорт".
- 10.35 Велоспорт. Тур де Франс.
- 12.15 "Sport rekordlari".
- 12.20 "Кувноқ стартлар".
- 12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
- 13.00 "Қорақалпоқ спорти".
- 13.15 АНОНС.
- 13.20 "Куч бирликда".
- 13.50 "Умрбоқий Пеле". Хужжатли фильм.
- 14.10 Теннис. АТР/ВТА турнири.
- 15.35 "Sport ensiklopediya".
- 15.40 "Эстафета".
- 16.00 АНОНС.
- 16.05 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. 3-ЎРИН УЧУН.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Орзулар кемаси".
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 19.00 Академик эшак эшиш. Жаҳон кубоги.
- 19.50 "Спортимиз маликалари".
- 20.30 "СПОРТ-МАРКЕТ".
- 20.35 Автоматоспорт.
- 21.25 "Sport rekordlari".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 22.00 АНОНС.
- 22.05 Байдарка ва каноэда эшак эшиш. Европа чемпионати.
- 23.05 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУНДАЛИГИ.
- 23.50 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ-2014. ФИНАЛ. ТУҒРИДАН - ТУҒРИ ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
- 2.30 АНОНС.
- 2.35 Волейбол. Жаҳон лигаси.
- 4.15 АНОНС.
- 4.25 - 5.50 Теннис. АТР/ВТА турнири.

САНЖИМ

- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Изабелла". Т/с. 11-15-қисмлар.
- 9.10 "Табассум қил!"
- 9.20 "Мафтуноқар наволар".
- 9.45 "Omada lotto".
- 10.00 "Ватанпарвар".
- 10.40 "Қалпоқ". Ҳажвия.
- 11.10 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун ўйин (такрор).
- 12.50 "Кулгу". Ҳажвия.
- 13.10 "Сиздан угина, биздан бугина". Б/ф.
- 14.40 "Қаҳқаҳа". Ҳажвия.
- 15.10 "Мультипанорама".
- 16.20 "Юрт келажаги".
- 16.30 "Ажина тоғ". Б/ф.
- 18.10 "Тараннум".
- 18.50 "Истиклол солиномаси".
- 19.00 "Давр ҳафта ичида".
- 19.30 "Ош бўлсин!"
- 20.00 "Имкон-шоу".
- 20.50 "Токи ҳаёт эканман". Б/ф.
- 23.30 "Оҳанглар сеҳри".
- 23.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал (жонли эфир)
- 1.50 "Унутилмас оҳанглар".
- 2.30 "Навоий". В/ф.
- 3.30 "Миллий мерос".
- 3.50 "Ойижон". Б/ф.
- 5.10 "Соғлом оила - соғлом бола".
- 5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".

САНЖИМ

- 5.00 "Салом, Тошкент!"
- 6.10 "Метчара-денгиз жонивори". Б/ф.
- 7.30 Тошкент тароналари.

Ёш жаҳон чемпионларига Президентимиз совғаси топширилди

Шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони Исломбек ва Жавоҳир Синдоровларга Президентимиз совғаси топширилди.



Яқинда Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритгани ҳамюртларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдириди.

Жаҳон чемпионати голиблари Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар томонидан энг сўнгги русумдаги замонавий компьютерлар билан тақдирланди. Уларнинг ота-онасига замонавий LCD телевизори берилди. Президентимиз совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

"Локомотив" ва "Бунёдкор" Ўзбекистон кубоги финалида

Пойтахтнинг икки жамоаси — "Локомотив" ва "Бунёдкор" Ўзбекистон кубоги финалида куч синашадиган бўлди. Ярим финалда "Пахтакор" жамоаси билан рақобатлашган "Локомотив" ўз майдонида ўтган дастлабки ўйинда 1:0 ҳисобида ғалаба қозонган эди. "Пахтакор" марказий стадионида ташкил этилган жавоб учрашувида 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди ва "темирийўлчи"лар Ўзбекистон кубогининг финалига йўланма олди. Қаршида "Насаф" ва "Бунёдкор" жамоалари ўртасидаги баҳсда ҳам пойтахтлик чарм тўп усталари 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, мамлакат кубоги учун курашни давом эттирадиган бўлди. Жамоалар ўртасидаги дастлабки баҳсда "Бунёдкор" 1:0 ҳисобида зафар кучган эди.

ЖЧ-2014. Омад кучлиларга кулиб боқадими?

Бразилияда бўлиб ўтаётган мундиалнинг Бнимчорак финал ўйинларида ўз гуруҳларини биринчи ўрин билан якунлаган жамоалар голиб бўлди. Аксинча, гуруҳ баҳсларидан 2-ўрин билан плей-оффга чиққан жамоалар дастлабки тўқнашувдаёқ мусобақа билан хайрлашдилар. Бир қарашда бу нимчорак финал қадрини пасайтирадиган факт. Аммо ўйинларнинг бориши бу фактни иккинчи планга тушириб қўяди. Гарчи якунда фаворитлар ғалаба қозонган бўлса-да, бу ғалабалар осон қўлга киритилгани йўқ. Бразилия, Голландия, Германия, Аргентина — барчаси сўнгги дақиқалардагина ғалабани ўз томонларига оғдиришди. Бу фаворит жамоаларнинг исталган бири курашни шу босқичда тугатиши ҳеч гап эмасди. Аммо омад уларга кулиб боқди.



ГОЛЛАНДИЯ — МЕКСИКА 2:1
Голлар: Снейдер 88, Ян Хунтелар 90+4 — Дос Сантос 47

КОСТА-РИКА — ГРЕЦИЯ 1:1 (пеналтилар серияси — 5:3)
Голлар: Руиз (52), Папастатопулос (90).

ФРАНЦИЯ — НИГЕРИЯ 2:0
Голлар: Пол Погба (79), Йобо (90+1 автогол)

GERMANY — JAZOIR 2:1
Голлар: Шюрлле (92), Ўзил (119), Жабу (120).

ARGENTINA — SHVEYTSARIYA 1:0
Гол: Ди Мария 118

BELGIYA — AQSH 2:1
Голлар: Де Бруйне (93), Лукаку (105), Грин (107)

ЖЧ-2014. 1/8 финал

БРАЗИЛИЯ — ЧИЛИ 1:1 (пеналтилар серияси — 3:2)
Голлар: Давид Луис (18), Санчес, (32).

КОЛУМБИЯ — УРУГВАЙ 2:0
Голлар: Хамес Родригез (28, 50).



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси филиал техник ёрдам кўрсатиш ва эксплуатация хизмати бошлиғи Одил Бобомуродовга волидаи муҳтарамаси

Хадича ая САФАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали жамоаси Ромитон туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Эркин Ризоёвга падари бузруквори

Таги бобо РИЗОЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.



Махмудовнинг мавсуми

Лавҳамиз номламаси, ҳойнаҳой, сизга бир оз эриш туюлгани рост. Аммо, бердиси айтгунча, ҳулоса чиқаришга шовилманг! Гап шундаки, Маматқул Махмудов қарийб чорак асрдан буён "ЎЗИ-Термиз" филиалининг дам олиш масканига раҳбарлик қилиб келмоқда. Термиз туманидаги Учқизил кўли бўйида жойлашган бу сўлим гўша ҳар йили май ойидан эътиборан ишдан бўш вақтларда алоқа соҳаси ходимлари билан гап-сўз бўлади.

Шу боис баҳорнинг сўнгги кунларидан эрта кузгача бўлган давр ҳамкасблар томонидан "Ҳозир айни Махмудовнинг мавсуми" деган ибора билан бир оз ҳазиломуз оҳангда тез-тез тилга олиниб туради.

Дарҳақиқат, эътирофда жон бор. Соҳилдаги масканга ташириб буюрган киши борки, унинг салқин ва ёқимли ҳавосидан ҳузур қилади. Яратилган шарт-шароит бўш вақт мазмундорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Кимдир қайқача Учқизил кўли бўйлаб сайр қилса, яна биров ўзи севган спорт тури бўйича баҳса тушади. Боғ кўйидаги чорпоқларга ўрнашиб олганларнинг дилдан гурун-лашаётгани ўзаро меҳр-оқибат ришталари маҳкам боғланиб бораётганидан дарак бериб турибди.

Ҳамроҳим — "Жануб кўёши" туман газетаси бош муҳаррири Дўстмурод Нормуродовнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 80-йилларида Учқизил кўли бўйида вилоят кор-

хона ва ташкилотлари ўз жамоалари учун дам олиш масканларини бунёд эта бошлаган хайрли ишдан вилоят алоқа бошқармаси ҳам четда қолмади. Беvosита бошқарманинг ўша пайтдаги бошлиғи Олимжон Эшон-нов ташаббуси билан катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Қувонарлиси, ўша вақтда яхши ният билан экилган мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тўла илдиз отди, тез орада ўрикзор ҳосилга кирди.

Афсуски, кўплаб жамоалар ўзлари яратган боғу бўстонга кейинчалик қарамай қўйишди. Вилоят алоқа ходимлари дам олиш масканини эса 1994 йили Собиқ Термиз шаҳар алоқа тармоғи (ҳозирги "ЎЗИ-Термиз" филиали) ўз тасарруфига олди. Маматқул Махмудов оромгоҳга маъсул этиб тайинланди. Унинг 20 йиллик самарали меҳнати билдирилган ишончга яраша бўлди. Бу даврда нафақат маскан табиати аслидай асраб қолинди, балки яна минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

— Бу каби савоб ишларни бажаришда жамоамиз аъзоларидан Баҳром Очилов ҳамда Беғам Усмоновларнинг хизмати катта бўлди, — дейди Маматқул оға биз билан суҳбатда. — Агар булар билан ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилганимизда, бу яшил бойликни кўшнилариимиз қатори биз ҳам бой бериб қўярдик.

Дов-дарахтларнинг қуюқ соясида дам олиб, офтобда пишиб-етилган турли мевалардан тановул қилаётган кишиларга боқамиз. Ана шунда, улар Маматқул Махмудовнинг бу гаштли дамлар учун чинакам елиб-югургани-ю ташвиш чекканлигини ҳис этиятимикан, деган савол беихтиёр хаёлимизга келди. Дарвоқе, у боғни суғориш билан боғлиқ қандай муаммо туғилса, биргаликда ҳал қилишга интилди. Неки иш бажарса, ё янгилик яратса уни алоқа ходимлари манфаатига бахшида этиб келмоқда.

Эътиборлиси, Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантиришнинг 2013-2015 йилларга мўлжалланган дастурига Учқизил кўли бўйини ободонлаштириш ишлари ҳам киритилган. Бу янгилик Маматқул Махмудовни янада илҳомлантириб юборди. Демак, яқин келажакда "ЎЗИ-Термиз" филиалининг дам олиш маскани ҳам дунё сайёҳлари ташириб буюрадиган гўшалардан бирига айланади.

Саратоннинг юқори ҳароратли кунларидан яна бири ўтди. Оқшом чоғи муваффақиятли яқунланган иш вақтидан сўнг дам олгани масканга келган алоқа ходимлари соҳилдаги салқин, мусаффо ҳаводан баҳра олишди. Улар яратилган шундай имконият учун, аввало, Маматқул оға Махмудов бошлиқ ақли жамоага миннатдорчилик билдиришди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири



Токиода Хива ҳақида фотокўргазма

Япониялик сайёҳ, сураткаш Жин Акино Токиода Хива ҳақида фотокўргазма ташкил этди. Сайёҳнинг сўзларига қараганда, у 2010 ва 2012 йилларда ҳам Ўзбекистонга келиб кетган. Яқинда у яна Хивага ташириб буюрди.

— Бундай қизиқарли сайёҳларим эзгу мақсадларга хизмат қилапти, — дейди у. — Токиода Хива ҳақида фотокўргазма ташкил этишга муваффақ бўлдим. Интернетдаги "Буюк Ипак йўли" сайтим орқали эса Ўзбекистон ҳамда унинг Хивадек қадимий шаҳарлари тўғрисида кўплаб қизиқарли маълумотларни бериб бораётган. Ҳар гал Хивага келганимда Ўзбекистон тарихи, миллий анъаналари ҳақида тасаввур берувчи турли эсдалик буюмларини юртимга олиб бориб, уларни дўстларим, яқинларим ва оиламдагиларга совға қиламан.

PAZANDA MASLANATI



Гўштли пирог

Ҳамирига: 250 грамм маргарин, 1 стакан сметана, 3-4 стакан ун, 1 чой қошиқ разрыхлитель ва озгина туз.

Қиймасига: қийма тахминий олинди, 2та пиёз, 3та картошка, туз, зира ва мурч.

Ҳамирини тайёрлаш усули: Маргаринни қирғичдан ўтказиб, ун билан қоритириб оламиз. Кейин эса сметанга разрыхлитель ва туз қўшиб юмшоқ ҳамир қорамиз. Ҳамиримиз тайёр бўлгандан сўнг иккита бўлиб, мулатқичга 15 дақиқага қўямиз. Қиймани тайёрлаш учун пиёз ярим паррак қилиб тўғралади, картошка эса йирик қирғичдан ўтказилади, қийма туз, зира ва мурч қўшиб яхшилаб аралаштирилади. Қиймаимиз тайёр. Энди эса ҳамир қуруқ патнисга ёйнали, қийма бир текисда жойланади, кейин иккинчи ҳамир ёйилади. Устига туҳум сарғи суртилиб, седана сепилади. Гўштли пирог ўрта оловда 20-25 дақиқа ёки усти сал қизаргунча пишириб олинади.

Л.СУЛТОНОВА тайёрлади

Табриклик.уз!

"Ўзбектелеком" АК Сурхондарё филиали жамоаси ҳамда касба уюмчаси кўмитаси филиалининг Музработ телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Тура АБДУРАҲМОНОВни 60 ёши, Ангор телекоммуникациялар боғламаси диспетчер навбатчиси Усмои ХУДОЙБЕРДИЕВ, боғлама телеграфчиси Муборакхон ХУРРАМОВА, Шўрчи телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Абдуносир УРИНОВларни 50 ёшга тўлагани билан самимий табриклаб, уларга узоқ умр ва мустақкам соғлиқ тилайди.

Хандалар

Судя сўради:

— Ёшингиз нечада?
— Ўзингиз топинг! Менга неча йил берасиз? — аёл нозланди.

— Хоним! Сиз суд залида эканлигимизни унутдингиз чоғи?!

Судя сўради:

— Нега сиз хотинингиз билан ажрашмоқчисиз?

— Хотиним мени ярим кеча уйғотиб "жоним, уйга кетшингиз керак", деб пичирлайди?!

Чет элдан эр хотинига кўнғироқ қилди:

— Алло, хотин, сенмисан?
— Ассалому алайкум, дадажониси, яхшимисиз?
— Ҳа, яхши юрибман. Машина жойидами?
— Машинангиз курсин, болаларни сўрамайсиз ҳам.
— Э, ҳа, болаларни машинага яқинлаштирма, у ёғ-бу ёғига чизиб ташлайди!



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ КўМИТАСИ

Бош муҳаррир
Абдусайд КўЧИМОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳурнид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Сувои НАЖИДДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Собит АҲАДОВ

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 715-87-21	Гулистонда 240-00-46	Жиззахда (94) 199-95-64	Навоийда 225-91-10	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 230-64-80	Термизда (91)235-88-68	Тошкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 244-18-05	Қаршида (93)931-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	----------------------	-------------------------	--------------------	-------------------	-----------------------	------------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-----------------------